

Boqiy fikr

Har bir rahbar odamlarning dardiga quloq solishi, muammolarini hal qilishi, bir so'z bilan aytganda, ularni rozi qilish tashvishi bilan ishlashi kerak.

Shavkat MIRZIYOYEV



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 22-aprel, shanba № 32 (8993)

АСОСИЙ МАҚСАД – ОДАМЛАРНИНГ РОЗИЛИГИ, ЙЎРТИМИЗ ОБОДЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев пойтахтимида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 21 апрель кuni Олмазор туманида бўлди.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили мазмун-моҳияти ҳар жабҳада намоён бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари вилоятлар, пойтахтимиз туманларига ташриф буюриб, одамлар билан мулоқот қилмоқда, масалаларни жойида ўрганиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга доир устувор вазифаларни белгилаб бермоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари каби Олмазор туманида ҳам ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ижтимоий объектлар бунёд этиш, маҳалла ва турар жойларни обод қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мазкур туманда барпо этиладиган янги савдо маркази ва кўп қаватли уйлар лойиҳалари билан танишди.

Нурафшон ва Форобий кўчалари кесишган жойда уч қаватли "Эски шаҳар" савдо маркази барпо этилади. Бу ерда харидорларга қулайликлар яратиш мақсадида кафе, галерея, болалар ўйин майдончалари, автомобиллар тўхташ жойи ва бошқа объектлар қурилади. Марказ ишга тушгач, 250 киши иш билан таъминланади.

Давлатимиз раҳбари мазкур савдо комплекси қуриладиган жойни кўздан кечирди. Марказнинг учинчи қаватида "Китоб олами" дўкони ва миллий кино санъатимиз хазинасидан ўрин олган фильмлар намойиш қилинадиган кинозал барпо этиш кераклигини таъкидлади. Пойтахтимида бундай йирик иншоотни барпо этишдан мақсад Эски шаҳар аҳолисининг турмуш фаровонлигини янада оширишдир. Бунинг учун комплексни замонавий архитектура талаблари асосида қуриш, атрофини ободонлаштириш, одамларга қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Мутасадди раҳбарларга 2018 йил Наврўз байрамигача мазкур объектни фойдаланишга топшириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари шу йил 3 февраль кuni Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишиш чоғида аҳолининг эҳтиёжи, талабидан келиб чиқиб, пойтахтимиизнинг барча туманларида кўп қаватли замонавий арзон уйлар қуриш режалаштирилаётганини қайд этган эди.

(Давоми 2-бетда.)

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастури ижроси доирасида жорий йилнинг биринчи чорагида халқимиз ҳаёт сифатини оширишга қаратилган кўплаб амалий ишлар бажарилди.



HARAKATLAR STRATEGIYASI 2017-2021

ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН АМАЛИЙ ҲАРАКАТЛАР

Жумладан, 1 минг 130 километр ички хўжалик йўллари, қишлоқ ва овуллар кўчалари тўлиқ ва жорий таъмирланди. Касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида тижорат банклари томонидан қарийб 80 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилди. Қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш йўналишидаги ҳудудий дастурлар доирасида 2 минг 633 инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 17 минг 599 иш ўрни ташкил этилди.

Пойтахтимиизда Ҳаракатлар стра-

тегиясининг ижроси доирасида жорий йил биринчи чораги учун белгиланган вазифалар ва уларнинг амалий натижаларига бағишланган матбуот анжуманида шу ҳақда гап борди. «Тараққиёт стратегияси» маркази ташаббуси билан Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

(Давоми 9-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада экологик хавфсизлигини таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш, экологик ҳолатни яхшилаш, чиқиндиларнинг фуқаролар соғлиғига зарарли таъсирининг олдини олиш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун қулай шароитлар яратиш, маиший чиқиндиларни йиғиш, сақлаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

2. Ўзбекистон Республикаси Эко-

логия ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилонга фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат бошқаруви;

атроф-муҳитнинг қулай экологик ҳолатини, экологик тизимлар, табиий комплекслар ва алоҳида объектлар муҳофаза қилинишини, экологик шароитнинг соғломлаштирилишини таъминлаш;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат экологик назоратини амалга ошириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан мустақкам ҳамкорликда маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш борасида таъсирчан тизимни ташкил этиш;

(Давоми 6-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Таъкидлаш жоизки, 2011—2016 йилларда Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш доирасида 25 та олий таълим муассасасининг 202 та объектида янги қурилиш, капитал таъмирлаш ва реконструкция ишлари бажарилди.

Иқтисодиётнинг реал сектори талабларидан келиб чиқиб, муҳандислик, ишлаб чиқариш ва қурилиш йўналишлари ва ихтисосликлари бўйича ўқишга қабул қилиш, унинг умумий сонига нисбатан 23 фоиздан 33,2 фоизга ошди. Олий таълим соҳасида мутахассислар тайёрлаш, шунингдек, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича янгиланган давлат олий таълим стандартлари ва ўқув дастурлари жорий қилинди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 8 октябрдаги Ф-4724-сон фармойиши билан ташкил қилинган Ишчи гуруҳ томонидан олий таълим тизимидаги ҳолатни ўрганиш натижаларига кўра, бир қатор олий таъ-

лим муассасаларида ҳали ҳам илмий-педагогик салоҳиятнинг пастлиги, таълим жараёнларини ахборот-услубий ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш замонавий талабларга жавоб бермаслиги, уларнинг моддий-техника базасини тизимли янгилашга эҳтиёж мавжудлиги аниқланди.

Олий таълим тизимида ўз йўналишлари бўйича дунёнинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига илғор хорижий тажрибаларни жорий этиш, айниқса, истикболли педагог ва илмий кадрларни хорижий етакчи илмий-таълим муассасаларида стажировкадан ўтказиш ва малакасини ошириш борасидаги ишлар етарли даражада олиб борилмапти.

Олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта қўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш мақсадида:

(Давоми 3-бетда.)

АСОСИЙ МАҚСАД – ОДАМЛАРНИНГ РОЗИЛИГИ, ЮРТИМИЗ ОБОДЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Президентимизнинг 2017 йил 13 мартдаги 2017—2021 йилларда Тошкент шаҳрида кўп қаватли арзон уйлар қуриш кўламини кенгайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори бу борадаги ишларни тизимли йўлга қўйишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ Кичик халқа йўли ва Қорасарой кўчаси кешишган ҳудудда 7 қаватли 12 турар жой барпо этиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди. 800 хонадонга мўлжалланган ушбу уйлар эҳтиёжманд оилаларнинг яшаш шароитини яхшилаш, уларни арзон, замонавий уй билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз Эски шаҳарда яшовчи уй-жойга муҳтож оилаларни ҳисобга олиш, уйлар тақсимотида адолат мезонларига қатъий риоя қилиниши зарурлигини қайд этди.

Уйларни қуриш учун 5 гектардан зиёд ер ажратилди. Турар жойларни лойihalаштиришда иқлим шароити, санитария ва хавфсизлик талаблари ҳамда халқимизнинг миллий ҳаёт тарзига хос бошқа жиҳатлар ҳисобга олинган.

Давлатимиз раҳбари Кичкириқ канали бўйида бунёд этиладиган янги маданият ва истироҳат боғи лойиҳаси билан ҳам танишди. Мазкур боғни аҳоли фарзандлари билан сайр қиладиган, ҳордик чиқарадиган масканга айлантириш, бунда Тошкентнинг қадимий анъаналарини ҳисобга олиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Табассум" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, маҳалла ҳаёти билан танишди, аҳоли билан мулоқот қилди. Учрашувда тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ислохотлар, ёшлар маънавиятини юксалтириш, китобхонлик маданиятини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

Маҳаллалар том маънода маданият ва маънавият масканига айланмоғи лозим, бунинг учун аҳоли, айниқса, ёшларнинг китобга қизиқишини ошириш зарур, деди Шавкат Мирзиёев. Китоб инсонга билим беради, унинг маънавий оламини бойитади, Ватанни севишга ўргатади.

Табассум маҳалласидаги 27 кўп қаватли уйда 5 минг 300 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Маҳал-

ла фуқаролар йиғини маркази биносида қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Бу ерда маҳалла раиси, котиб ва маслаҳатчилар, профилактика инспектори учун алоҳида хизмат хоналари бўлиши кўзда тутилган. Сартарошхона, "Гўзаллик салони", савдо дўкони, новвойхона қуриш режалаштирилган. Бу халқимизга хос ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат фазилатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Яқинда маҳалла ҳудудида болалар майдончаси, мини-футбол майдони қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Хар бир раҳбар одамларнинг дардига қулоқ солиши, муаммоларини ҳал қилиши, бир сўз билан айтганда, уларни рози қилиш ташвиши билан ишлаши керак, деди давлатимиз раҳбари. Шунда уларнинг давлатга, келажакка ишончи ортади. Маҳаллаларни обод қилиш, халққа барча қулай шароитларни яратиш бу борада муҳим аҳамиятга эга.

Маҳалладаги кўп қаватли уйлар, мактабгача таълим муассасалари атрофини ободлаштириш, йўлақларни таъмирлаш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берилди.

Шавкат Мирзиёев Талабалар шаҳарчаси ҳудудида қуриладиган ахборот-ресурс маркази лойиҳаси билан танишди.

Мамлакатимизда таълим тизими изчил такомиллаштирилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизimini янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазкур тизим сифатини янги босқичга кўтарди.

Ушбу қарорда кўп қаватли чора-тадбирлар қатори янги авлод ўқув адабиётлари яратиш, уларни олий таълим муассасаларининг таълим жараёнига кенг татбиқ этиш, олий таълим муассасаларини замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш, жумладан, энг янги хорижий адабиётларни сотиб олиш ва таржима қилиш, ахборот-ресурс марказлари фондларини мунтазам янгиллаб бориш бўйича вазифалар белгиланган.

Янги марказ ана шундай замонавий талабларга жавоб беради. Мажмуа электрон-ресурслар, даврий адабиётлар, мутолаа, мультимедиа ва конференция залларини ўз ичига олади. Бу Мирзо Улуғбек

номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети, Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг маънавиятини ошириш марказий институти, ўрта махсус таълим масканлари ўқувчи ва талабалари, профессор-ўқитувчиларига катта қулайлик яратди.

Президентимиз марказ лойиҳаси ва концепциясини такомиллаштириш, унинг фаолияти доирасини кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди. Мажмуани Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон талабаларининг Миллий илмий-маърифий маркази тарзида ташкил этиш зарурлигини таъкидлади. Бу ерда барча фанлар бўйича маълумотлар базаси бўлади. Замонавий технологиялар воситасида ундан мамлакатимиз олий таълим муассасалари фойдаланади. Дунёнинг етакчи университетлари билан ҳамкорлик ўрнатилиб, улардаги маълумотларни онлайн тарзда кузатиш имконияти яратилди. Марказ атрофида боғ барпо этилади, Ўзбекистон ва жаҳон мутафаккирларининг бюстлари ўрнатилди.

Шавкат Мирзиёев "Оникс Тошкент" масъулияти чекланган жамиятига ташриф буюрди.

Корхона Марказий Осиде ягона бўлиб, бир суткада 20 тонна натрий-кальцийлик замонавий шиша идишлар ишлаб чиқаради. Европанинг етакчи мамлакатларида ишлаб чиқарилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган корхонада 200 киши меҳнат қилади.

Президентимиз корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди.

Шу ерда 2017-2018 йилларда Олмазор туманининг sanoati ва хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича лойиҳа тақдими бўлди. Унда аҳолини тadbirkorликка жалб қилиш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотлардан самарали фойдаланиш кўзда тутилган.

Шавкат Мирзиёев бўш турган бинолар базасида замонавий ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берди. "Ўзсаноатқурилишбанк", "Асака" банки, Халқ бан-

ки, Миллий банк, "Ипотека-банк", "Ипак йўли" банклари томонидан Олмазор туманида ишга туширилаётган янги лойиҳаларга имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. "Арт вуд груп" МЧЖ томонидан ёғоч маҳсулотларидан ЛДСП ва ЛМДФ ишлаб чиқариш лойиҳаси шулардан бири. Корхона маҳсулотларидан замонавий мебель ва буюмлар тайёрлашда фойдаланилади. "Ижод-ижод" хусусий корхонаси сопол буюмлар, "Euroasia Alliance Текс" МЧЖ дағал ип газлама, "Станко Строитель" МЧЖ металл ва ёғочга ишлов берадиган дастгоҳлар ишлаб чиқаришни йўлга қўяди.

"Интер капитал" МЧЖга қарашли бино ва иншоотларда дори воситалари ишлаб чиқариш, "Галеника" МЧЖда эса йилга 60 дан ортик турдаги 225 миллион дона таблетка, капсула, саше ва бошқа импорт ўрнини босувчи дори воситалари ишлаб чиқарилади.

Президентимиз мазкур лойиҳаларни ишга тушириш мuddати ва яратиладиган иш ўринлари билан қизиқди.

Лойиҳаларда қурилиш материаллари, ёғоч, металл, полистеролбетон плиталари, ойнани қайта ишлаш, махсус ишчи кийимлари, қандолатчилик маҳсулотлари, тиббиёт буюмлари, нон ва нон маҳсулотлари, озиқ-овқат, енгил sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш, тиббий диагностика маркази очиш кўзда тутилган.

Президентимиз тумандаги Имом Термизий жомеъ масжидида бўлди.

Бутун дунёда буюк аждодларимизнинг сўнмас даҳосига ҳурмат-эҳтиром, уларнинг бой илмий меросини ўрганишга қизиқиш ҳамisha юқори бўлган. Хорижий мамлакатларда уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида илмий ва бадиий асарлар яратилган.

Биринчи Президентимиз раҳнамолигида буюк олим ва мутафаккирларимиз, қадимий шаҳарларимиз юбилейлари халқроқ миқёсда кенг нишонланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида улуг' алломаларимиз, азиз-авлиёларимиз қадамжоларини обод этиш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Миллий маънавий меросимизни тиклаш ва асраб-авайлаш, илм-фан ва таълимни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Буюк боболаримиз тафаккури махсули бўлган тарих, адабиёт, санъат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, кимё, астрономия, меъморлик, дин ва бошқа соҳаларга оид минглаб ноёб асарлар бизнинг бебаҳо бойлигимиздир.

Ислом маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аждодимиз Абу Исо Термизийнинг беназир меросини илмий асосда чуқур ўрганиш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Биз бахтиёр авлодимиз, бахтли халқимиз, чуқки шундай буюк алломаларнинг ворисимиз, деди Президентимиз. Халқимиз фаровонлиги, мамлакатимиз раванга йўлида қиладиган ишларимиз билан улуг' аждодларимизга муносиб бўлишимиз керак. Бу барчамиздан юксак масъулият талаб қилади.

Ҳазрати Имом (Ҳасаном) мажмуасида Ислом маданияти марказини ташкил қиламиз, деди Шавкат Мирзиёев. Юртдошларимиз, мамлакатимизга келадиган меҳмонлар бу ерда буюк алломаларимизнинг бебаҳо мероси билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлмоғи лозим.

Мутасаддиларга масъулият реконструкция қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри ва туманлар ҳокимлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, пойтахт жамоатчилиги вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари асос солган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, жойлардаги Халқ қабулхоналари халқ билан мулоқотнинг муҳим тизимига айлангани, турли масалаларга ўз вақтида ечим топилиб, одамларни рози қиладигани таъкидланди. 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши қайд этилди.

Учрашувда аҳолига зарур шароитлар яратиш, коммуникация тизимларини янгиллаш, ҳудудларни ободонлаштириш, тadbirkorликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

2017-yil 22-aprel, № 32 (8993)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

1. Олий таълим тизимини келгусида янада такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалар этиб куйидагилар белгилансин:

ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илгор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий қилиш, ўқув-педагогик фаолиятга, мастер-класслар ўтказишга, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш, уларнинг базасида тизимли асосда республикамиз олий таълим муассасалари магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларининг стажировка ўташларини, профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш;

олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг мақсадли параметрларини шакллантириш, олий таълим муассасаларида ўқитиш йўналишлари ва мутахассисликларини истиқболда минтақалар ва иқтисодий тармоқларини комплекс ривожлантириш, амалга оширилаётган ҳудудий ва тармоқ дастурларининг талабларини инобатга олган ҳолда оптималлаштириш;

таълим жараёнини, олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини кенг жорий этиш, магистратура илмий-таълим жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш ва замонавий ташкилий шаклларни жорий этиш асосида янада такомиллаштириш;

янги авлод ўқув адабиётларини яратиш ва уларни олий таълим муассасаларининг таълим жараёнига кенг татбиқ этиш, олий таълим муассасаларини замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш, шу жумладан, энг янги хорижий адабиётлар сотиб олиш ва

таржима қилиш, ахборот-ресурс марказлари фондларини мунтазам янгилаб бориш;

педагог кадрларнинг касб маҳорати сифати ва савиясини узлуксиз юксалтириш, хорижда педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш ва стажировкасини ўтказиш, олий таълим муассасалари битирувчиларини PhD ва магистратура дастурлари бўйича ўқитиш, олий таълим муассасалари ва қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказлари ўқув жараёнига юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни кенг жалб қилиш;

олий таълим муассасалари илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, олий таълимда илм-фанни янада ривожлантириш, унинг академик илм-фан билан интеграциялашувини кучайтириш, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга кенг жалб этиш;

олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини ошириш, талаба-ёшларга мустақиллик фояларига, юксак маънавият ва инсонийликнинг миллий анъаналарига содиқлик руҳини чуқур синдириш, уларда ёт гоё ва мафқураларга нисбатан иммунитет ва танқидий тафаккурни мустаҳкамлаш бўйича кенг қўламли маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш;

олий таълим муассасалари моддий-техника базасини ўқув ва илмий-лаборатория бино ва корпуслари, спорт иншоотлари, ижтимоий-муҳандислик инфратузилмаси объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, олий таълим илм-фанининг устувор йўналишлари бўйича ўқув-илмий лабораторияларини замонавий асбоб ва ускуналар билан жиҳозлаш орқали янада мустаҳкамлаш;

олий таълим муассасаларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан жиҳозлаш, олий таъ-

лим муассасалари талабалари, ўқитувчилари ва ёш тадқиқотчиларининг жаҳон таълим ресурслари, замонавий илмий адабиётларнинг электрон каталоглари ва маълумотлар базаларида кириш имкониятларини кенгайтириш.

2. 2017—2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда — Дастур), унинг таркибиде қуйидагилар:

2017—2021 йилларда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари 1-иловага мувофиқ;

2017—2021 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш, уларни замонавий ўқув-илмий лабораториялар, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан жиҳозлаш комплекс чора-тадбирлари 2-иловага мувофиқ;

2017—2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастурини амалга ошириш молиявий харажатлар ҳажмининг ҳисобланган параметрлари 3-иловага мувофиқ;

2017—2021 йилларда қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашнинг ҳар йили тасдиқланадиган манзилли дастурларига киритиладиган олий таълим муассасалари рўйхати 4-иловага мувофиқ;

2017—2021 йилларда ўқув ва илмий лаборатория ускуналари билан жиҳозлашнинг ҳар йили тасдиқланадиган манзилли дастурларига киритиладиган олий таълим муассасалари рўйхати 5-иловага мувофиқ;

2017—2021 йилларда олий таълим муассасаларини ривожлантиришнинг манзилли дастурлари 6—74-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш педагог ва илмий ходимлар малакасини ошириш бўйича "Истеъдод" фондининг фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш бўйича так-

лифларни, куйидагиларни инобатга олган ҳолда, тайёрласин:

хорижий таълим ва илмий муассасаларида олий таълим муассасаларининг педагог ва илмий ходимлар малакасини ошириш, стажировкасини ўтказиш, битирувчиларни PhD ва магистратура дастурларида ўқитишни ташкиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирларни;

юқори малакали хорижий олим, ўқитувчи ва мутахассисларни хорижий олий таълим ва илмий муассасалар билан ҳамкорлик механизми ва шакллари жорий этишнинг устувор йўналишларини инобатга олган ҳолда, Олий таълим муассасалари ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ марказлари ўқув жараёнига кенг жалб этиш бўйича чора-тадбирлар дастурини;

"Истеъдод" фондининг молиявий ресурсларини шакллантириш манбаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағларини жалб этишни.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ хорижий олим, ўқитувчи ва мутахассисларни республика олий таълим муассасалари, Олий таълим муассасалари ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ марказлари (кейинги ўринларда — Тармоқ марказлари) ўқув жараёнига жалб этишда:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Молия вазирлиги билан келишилган тақлифлари асосида хорижий олим, ўқитувчи ва мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш меҳнат шартномасида белгиланган миқдорда эркин конвертация қилинадиган валютада амалга оширилади;

хорижий олим, ўқитувчи ва мутахассислар учун икки томонга авиачипталарни сотиб олиш харажатлари (узок муддатли меҳнат шартномаларида бир йилда икки мартадан ошмаган ҳолда) олий таълим муас-

сасалари, Тармоқ марказлари томонидан миллий валютада тўланади;

хорижий олим, ўқитувчи ва мутахассисларнинг бир ойдан ошмаган муддатга тузилган қисқа муддатли меҳнат шартномалари бўйича республика меҳмонхоналарида яшаш харажатлари олий таълим муассасаси, Тармоқ марказлари томонидан миллий валютада тўланади, бундан узок муддатга тузиладиган меҳнат шартномалари бўйича хорижий олим, ўқитувчи ва мутахассисларнинг уй-жой ижара харажатлари тузилган шартнома шартларига мувофиқ ойлик маошларини тўлашда амалга оширилади;

хорижий олим, ўқитувчи ва мутахассисларга Ўзбекистон Республикасида бўлган даврида кунлик сарфар харажатлари 20 АҚШ доллари эквивалентида кундалик меъёр бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов кундаги курси бўйича миллий валютада тўланади;

олий таълим муассасалари, Тармоқ марказлари ўқув жараёнига жалб қилинадиган хорижий олим, ўқитувчи ва мутахассислар тузилган меҳнат шартномаси доирасида олинadиган даромадлари жисмоний шахслар даромад солиқлари тўлашдан озод этилади;

олий таълим муассасалари, Тармоқ марказлари ўқув жараёнига жалб қилинадиган хорижий олим, ўқитувчи ва мутахассислар тузилган меҳнат шартномаси доирасида олинadиган даромадлари ягона ижтимоий тўловларидан озод этилади;

хорижий олим, ўқитувчи ва мутахассисларни жалб этиш ва уларнинг моддий таъминоти бўйича харажатларини молиялаштириш манбаси сифатида олий таълим муассасалари ва Тармоқ марказларига ўрнатилган тартибда ажратилadиган бюджет маблағлари, олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро молия ва бошқа ташкилотлар, хорижий ҳукумат ташкилотларининг грантлари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобланади.

(Давоми 4-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми.
Боши 1-, 3-бетларда.)

5. Таълим ва ўқитиш сифати устидан самарали давлат назоратини ўрнатиш мақсадида Давлат тест марказининг Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасаларини аттестация қилиш бошқармаси негизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ташкил этилсин ва унинг асосий вазифалари этиб:

таълим тизимида ўқув-тарбия жараёнлари, профессор-ўқитувчилар таркиби, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини назорат қилиш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш; идровий мансублиги ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, таълим муассасаларини аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказиш белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда Таълим сифатини назорат қилиш бўйича давлат инспекцияси фаолиятини ташкил қилиш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг манфаатдор давлат бошқаруви органлари билан келишилган кўйидаги тақлифлари қабул қилинсин:

Наманган муҳандислик-педагогика институтини Наманган муҳандислик-қурилиш институтига айлантириш ва унинг ихтисослашувини ўзгартириш;

Термиз шаҳрида Тошкент давлат техника университети ва Тошкент давлат аграр университети филиалларини ташкил қилиш.

Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда мазкур таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини тўлиқ ташкил қилиш, профессор-ўқитувчилар таркибини бутлаш, зарур моддий-техника ва ўқув-лаборатория базасини шакллантиришни назарда тутувчи Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

7. 2017—2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастурининг ўз вақтида ва

сифатли амалга оширилишини таъминлаш бўйича ишларни самарали мувофиқлаштириш учун 75-сонли иловадаги таркибга мувофиқ Комиссия ташкил қилинсин.

Комиссия (А.Н.Арипов):
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд вазирлик ва идораларнинг тақлифлари бўйича ҳар йили, молиявий харажатларнинг умумий тасдиқланган параметрлари доирасида, олий таълим муассасаларининг ўқув ва илмий-лаборатория бино ва корпуслари, спорт иншоотлари ва ижтимоий-муҳандислик инфратузилмаси объектларини уларнинг техник ҳолатини, шунингдек, ҳар бир олий таълим муассасасининг моддий-техника таъминотини инobatта олган ҳолда қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича – идровий мансублиги бўйича тегишли ташкилотларнинг ўз маблағлари.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги 2018 йил ва кейинги йиллар учун Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурлари параметрларини шакллантиришда, Комиссия қарори асосида, олий таълим муассасаларида қурилиш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари учун зарур маблағларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси ресурсларидан ажратишини назарда тутсин.

11. Белгилансинки, Дастурни амалга оширишни молиялаштириш учун 2017—2021 йиллар мобайнида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан йўналтирилган хайрия маблағлари фойда солигини ҳисоблашда ва ягона солиқ тўловини тўлашда солиққа тортиш базасидан чиқарилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг олий таълим муассасалари ўқув ва илмий-лаборатория бинолари ва корпуслари, спорт иншоотлари ва ижтимоий-муҳандислик инф-

ратузилмаси объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашни лойиҳалаштиришда қўлланиладиган ягона техник топшириқ ва талаблар концепциясини ишлаб чиқиш бўйича бош лойиҳачи ташкилот сифатида "Ташгипрогор" акциядорлик жамиятини белгилаш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд вазирлик ва идораларга олий таълим муассасаларида қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича ишларни ташкил этишда, жумладан, зарур ҳолларда, уларга ер майдонларини ажратиш тўғрисида қарор қабул қилишда ва ташқи муҳандислик коммуникацияларига уланишда кўмаклашсин;

олий таълим муассасаларининг ташқи муҳандислик коммуникацияларига уланишда оптимал техник шaroитлар яратилишини таъминласин.

Олий таълим муассасалари ихтиёридаги ер майдонларини тасарруф этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида амалга оширилиши белгилансин.

14. Қўйидагилар 2022 йилнинг 1 январигача:

2017—2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 21 майдаги ПҚ-1533-сонли қарори билан тасдиқланган 2011—2016 йилларда Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари дастури доирасида олиб қилинадиган замонавий ўқув-лаборатория, илмий-лаборатория ва компьютер ускуналари, сарфланади.

15. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг олий таълим муассасалари ўқув ва илмий-лаборатория бинолари ва корпуслари, спорт иншоотлари ва ижтимоий-муҳандислик инф-

ратузилмаси объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашни лойиҳалаштиришда қўлланиладиган ягона техник топшириқ ва талаблар концепциясини ишлаб чиқиш бўйича бош лойиҳачи ташкилот сифатида "Ташгипрогор" акциядорлик жамиятини белгилаш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд вазирлик ва идораларга олий таълим муассасаларида қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича ишларни ташкил этишда, жумладан, зарур ҳолларда, уларга ер майдонларини ажратиш тўғрисида қарор қабул қилишда ва ташқи муҳандислик коммуникацияларига уланишда кўмаклашсин;

олий таълим муассасаларининг ташқи муҳандислик коммуникацияларига уланишда оптимал техник шaroитлар яратилишини таъминласин.

Олий таълим муассасалари ихтиёридаги ер майдонларини тасарруф этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида амалга оширилиши белгилансин.

14. Қўйидагилар 2022 йилнинг 1 январигача:

2017—2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 21 майдаги ПҚ-1533-сонли қарори билан тасдиқланган 2011—2016 йилларда Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари дастури доирасида олиб қилинадиган замонавий ўқув-лаборатория, илмий-лаборатория ва компьютер ускуналари, сарфланади.

ган лаборатория материаллари (бутловчи материаллар, реактивлар, кимёвий идиш, биологик материаллар ва объектлар), дастурий маҳсулотлар, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича хорижий ўқув ва илмий-методик адабиётлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно);

таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари хўжалик юритувчи субъектлар билан тузилган шартномалар бўйича бажариладиган амалий, инновацион илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари бўйича юридик шахсларнинг даромад солиғи, ягона солиқ тўлови, қўшимча қиймат солиғи ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлардан (ягона ижтимоий тўловдан ташқари) озод этилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда олий таълим соҳасида замонавий стандартлар талабларидан келиб чиқиб, мавжуд майдонлардан оптимал фойдаланиш, замонавий ресурс ва энергия тежамкор технологияларни қўллаш, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарилган қурилиш материаллари ва бутловчи қисмлардан устувор фойдаланишни назарда тутган ҳолда олий таълим муассасалари бўйича шаҳарсозлик қурилиш теъёрлари ва қоидаларини таъқидий қайта кўриб чиқсин;

ишлаб чиқилаётган лойиҳа-смета ҳужжатлари, берилаётган эксперт хулосалари ва қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши сифати устидан доимий ва тизимли назоратни таъминласин.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2017 йил 20 апрель

Ш.МИРЗИЁЕВ

2017-yil 22-aprel, № 32 (8993)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига шарҳ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг маъно-маъмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинган.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг, ижтимоий ҳаётнинг реал талабларидан келиб чиққан ҳолда, юртимизда олий таълим тизимини модернизация қилиш, унга ўқитишнинг замонавий шакл ва технологияларини жорий этиш, мутахассислар тайёрлаш бўйича ихтисослик йўналишларини такомиллаштириш борасида катта ишлар қилинди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 8 октябрдаги фармойиши асосида тузилган Ишчи гуруҳ томонидан олий таълим тизимидаги мавжуд ҳолатни ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, қатор олий таълим муассасаларида илмий-педагогик салоҳият ҳануз паст даражада қолмоқда, таълим жараёнининг ўқув-методик ва ахборот таъминоти замонавий талабларга мос эмас, моддий-техника базаси тизимли равишда янгиланишга муҳтож. Олий таълим тизимида ўқув жараёнига илгөр халқаро тажрибани кенг жорий этиш, етакчи хорижий турдош илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш орқали педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш борасидаги ишлар талаб даражасида олиб борилмапти.

Қабул қилинган қарорга кўра, куйидагилар олий таълим тизимини келгусида комплекс ривожлантиришнинг энг муҳим вазифалари этиб белгиланди:

ҳар бир олий таълим муассасаси томонидан хориждаги етакчи турдош илмий-таълим муассасалари билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини яқиндан йўлга қўйиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган энг замонавий педагогик технологиялар, таълим дастурлари ва ўқув-методик материалларни кенг жорий этиш, илмий-педагогик фаолиятга юқори малакали чет эл ўқитувчилари ва олимларини жалб этиш; олий маълумотли кадрларни тайёрлашнинг мақсадли мезонларини шакллантириш, олий таълим муассасаларидаги ихтисослик йўналишлари ва мутахассисликларни ҳудудлар ва соҳалар бўйича жорий этилаётган дастурларнинг талаб ва эҳтиёжлари, иқтисодий тармоқлари ва ҳудудларни комплекс тараққий эттириш истиқболларини инобатга олган ҳолда оптималлаштириш;

янги авлод ўқув қўлланмаларини яратиш ва олий таълим тизимига кенг татбиқ этиш, олий таълим муассасаларини замонавий ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш, жумладан, энг янги хорижий адабиётларни

сотиб олиш ва таржима қилиш негизда ахборот-ресурс марказлари фондларини мунтазам янгилаб бориш;

педагог кадрларнинг касб малакаси ва маҳоратини сифат жиҳатдан мунтазам ошириб бориш, педагог ва илмий ходимларнинг стажировкадан ўтишини йўлга қўйиш, олий таълим муассасалари битирувчиларини PhD дастури ва хорижий магистратура дастурлари асосида ўқитиш;

олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, олий таълим тизимида илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш, уларнинг академик илм-фан билан интеграциясини кучайтириш, профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий фаолияти самардорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга жалб этиш;

олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини кучайтириш, талаба-ёшларнинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғоясини, халқимизнинг юксак маънавияти ва инсонпарварлик аънаналарига садоқат туйғусини чуқур синдириш, биз учун му்தалоқ ёт ва бегона бўлган ғояларга нисбатан уларда мустаҳкам иммунитет ва танқидий муносабатни шакллантириш;

олий таълим муассасалари моддий-техника базасини уларнинг ўқув ва илмий-лаборатория биноларини, спорт иншоотлари ва ижтимоий-муҳандислик инфратузilmаларини қуриш, капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш орқали янада мустаҳкамлаш, замонавий илм-фан соҳаларининг устувор йўналишлари бўйича ўқув-илмий лабораториялар базасини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш;

олий таълим муассасаларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан таъминлаш, талабалар, ўқитувчи ва ёш тадқиқотчиларнинг жаҳондаги илгөр таълим ресурслари, илмий адабиётлар ва маълумотлар базаси бўйича электрон каталогларга кириш имкониятини кенгайтириш.

Қарорда белгиланган вазифаларнинг самарали ечимини тўлиқ таъминлаш мақсадида олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштириш, олий таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, уларни замонавий ўқув-илмий лабораториялари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш мақсадида Олий таълим тизимини 2017–2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланди.

Дастурга мувофиқ, 2017–2021 йилларда 48 та олий таълим муассасасида жами 180 та ўқув, илмий-лаборатория биноси, спорт иншоотлари ва ижтимоий-муҳандислик инфратузilmалари объектиларида қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шунингдек, 53 та олий таълим муассасасида 400 та ўқув лабораторияси босқичма-босқич энг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланди, 7 та олий таълим муассасасида барча олий таълим муассасалари

ўзaro ҳамкорликда фойдаланадиган илмий лабораториялар ташкил этилади.

Қарорнинг муҳим аҳамиятини кўрсатадиган яна бир жиҳат шундан иборатки, мамлакатимиз Президентини томонидан ҳар бир олий таълим муассасаси бўйича қуйидаги конкрет параметр ва кўрсаткичларни ўз ичига олган манзилли ривожлантириш дастурлари тасдиқланди:

олий таълим тизимида янги таълим ихтисослик йўналишлари ва мутахассисликларнинг, шунингдек, иқтисодий соҳалари ва ҳудудларни комплекс ривожлантиришнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган ва бақалаврият ва магистратурага талабалар қабул қилишнинг умумий кўрсаткичларини 2021 йилгача босқичма-босқич равишда 18 фоизгача оширишни назарда тутадиган 2017–2021 йилларга мўлжалланган параметр ва кўрсаткичлари;

ўқув бинолари, талабалар турар-жойлари, ахборот-ресурс марказлари ва бошқа объектиларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ҳисобидан янги ўқув ўринларини ташкил этиш, янги ўқув-лаборатория комплексларини сотиб олиш, аудиторияларни компьютер техникаси билан жиҳозлаш;

профессор-ўқитувчиларнинг касб маҳоратини, педагог ходимларнинг малакасини ошириш, шунингдек, уларнинг хорижий ҳамкор олий ўқув юртларида малака ошириши, магистратура, докторантурада таълим олиши ҳамда республикамизнинг таянч олий ўқув юртлари қoшида қайта тайёрларикдан ўтиши ва малака ошириши.

Мазкур дастурда асосан мамлакатимизнинг ҳар бир олий таълим муассасаси билан АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Нидерландия, Россия, Япония, Жанубий Корея, Хитой ва шу каби бошқа давлатларнинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилгани ўта муҳим аҳамият касб этади. Шу асосда ҳар йили 350 нафардан ортик хорижлик юқори малакали педагог ва олимларнинг мамлакатимиз олий ўқув юртларига ўқув жараёнига жалб этилиши кўзда тутилмоқда.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, олий таълим муассасалари педагог ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича амалдаги тизимни жиҳдий такомиллаштириш ва бу борада моддий рағбатлантиришнинг янги механизмларини жорий этишга эҳтиёж сезилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Халқ таълим вазирлигига уч ой муддатда илгөр халқаро тажрибадан келиб чиқиб, олий ўқув юртлари педагог ходимларига уларнинг касб маҳорати, фаолиятидаги юқори натижадорлик ва тарбиявий соҳадаги самарали иштирокини инобатга олиб, устама ҳақ тўлашни белгилаш тизими бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш вазифаси топширилди.

Қарорга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда иқтидорли ёш педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, хорижий таълим муассасалари ва илмий марказларда илмий-педагог ходимларнинг малака ошириши ва қайта тайёрларикдан ўтишини, олий таълим муассасалари битирувчиларининг PhD дастури ва уларнинг магистратурада ўқишини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар кўзда тутилган таклифлар киритиш топширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида корхоналарнинг буюртмасига асосан амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолиятини амалга оширадиган таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари юридик шахслардан олиннадиган даромад солиғидан, ягона солиқ тўловидан, мақсадли давлат жамғармаларига мажбурий тўлов ва қўшимча қиймат солиғидан озод қилинди.

Таълим-тарбия жараёнининг сифати устидан самарали давлат назоратини ўрнатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Таълим сифатини назорат қилиш бўйича давлат инспекцияси ташкил этилади. Унинг асосий вазифаси таълим-тарбия жараёни, профессор-ўқитувчилар таркиби, таълим тизимида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифати ҳамда мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунушидан қатъи назар, таълим муассасаларини аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказиш, таълим-тарбия сифатини назорат қилиш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишдан иборат.

Олий таълим тизимини 2017–2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун йўналтирилган молиявий маблағлар 1,7 триллион сўмдан зиёд бўлиб, улардан 1,2 триллион сўми ўқув-лаборатория бинолари, спорт заллари ва талабалар тураржойларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга, 500 миллиард сўмдан ортик маблағ эса ўқув-лаборатория ускуналари, мебель ва инвентар билан таъминлаш, умумий тартибда фойдаланишга мўлжалланган, барча таълим муассасаларига хизмат кўрсатадиган лаборатория комплексларини ташкил этиш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга сарфланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ултусиз таълим тизимини ривожлантириш, мамлакатимизнинг изчил ривожланиб бораётган иқтисодий юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, барча ҳудудлар ва тармоқларни стратегик жиҳатдан комплекс ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш борасида олий таълим тизими иштирокини кенгайтириш йўлидаги яна бир муҳим амалий қадамдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Фармони

ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУХИТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат экологик назоратни ўрнатиш;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларини мувофиқлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежаш борасида ягона сиёсатни амалга оширишга оид амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда идораларо ҳамкорликни таъминлаш;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат кадастрини юритиш, шунингдек, ёввойи ҳайвонларни, ёввойи ўсимликларни кўпайтириш ва сақлаш питомникларини, зоология ва ботаникага оид коллекцияларни давлат томонидан рўйхатга олиш;

экологик тарбия, тарғибот ва таълимни, шунингдек, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси таркибидан тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари негизидан Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари ташкил этилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки: Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси ва раис ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига биноан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади;

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига ва тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ҳисобот берадилар;

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорғи Кенгаши томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларининг бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси томонидан вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига биноан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

5. Белгилансинки: Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий vorisi ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ўз вазифалари доирасида қабул қилган ва норматив-ҳуқуқий характерга эга бўлган қарорлари давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳўжалик юритувчи субъектлар, мулкчилик шакллари ва идоравий бўйсунушидан қатъий назар, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун, шу жумладан, чиқиндилар билан боғлиқ ишлар соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун айбдор шахсларни ўрнатилган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эгадир.

6. Қўйидагилар: Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси марказий аппарати таркибидан Чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақланиши, ташилиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, қўйиштириш ва реализациясини назорат қилиш инспекцияси, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларининг аппаратларида Инспекциянинг ҳудудий бўлинмалари;

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари ҳузурида "Тоза ҳудуд" давлат унитар корхоналари ва шаҳарларда ҳамда республика туманларида туман ҳокимликлари ҳузуридаги ободонлаштириш бошқармаларининг маиший чиқиндиларни ташкил кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш участкалари негизидан уларнинг филиаллари ташкил этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш республика инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси этиб қайта ташкил этилсин,

унинг ҳудудий инспекциялари тузилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Адлия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида табиатни муҳофаза қилиш республика ва ҳудудий жамағармалари негизидан Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамағармасини ташкил этиш, унинг маблағларини, биринчи навбатда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шу жумладан, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш, биоресурсларни сақлаш ва қайта тиклаш, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва унинг мониторинги соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш, тарғибот ва таълим ишларини ташкил этиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш, шунингдек, Давлат қўмитаси зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш билан алоқадор бошқа мақсадларга йўналтириш тўғрисидаги тақлифлари қабул қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: а) бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "2017—2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари лойиҳасини киритсин, Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини такомиллаштириш ва мувофиқлаштириш Республика комиссияси ту-

зилишини назарда тутсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Республикасининг қўйидаги қонун лойиҳаларини икки ҳафта муддатда киритсин:

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш бўйича "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80 ва 93-моддаларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида";

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун жазо санкциялари миқдорларини оширишни назарда тутиб, фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтиришни кўзда тутувчи "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида";

кенг тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг белгиланган тартибининг бузганлик учун жазони ва юридик шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш юзасидан "Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ва "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида".

10. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2017 йил 21 апрель

Ш.МИРЗИЁЕВ

2017-yil 22-aprel, № 32 (8993)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелда имзоланган «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бoshqaruvi тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5024-сонли Фармониға шарҳ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида экологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича муҳим ҳуқуқий, ташкилий ва ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни бевосита тартибга солишчи 15 дан зиёд қонун, табиий ресурсларнинг айрим турларидан фойдаланиш механизмлари ва шартлари, шунингдек, давлат экологик экспертизасини амалга ошириш, турли тоифадаги қўриқланидиган ҳудудларни ташкил қилиш ва уларда алоҳида фойдаланиш режимини ўрнатиш тартиб-таомиллари ва бошқа масалаларни белгилаб берган 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди ва амал қилмоқда.

Қабул қилинган ҳужжатлар атроф-муҳит объектларининг ифлосланиши даражасини маълум даражада камайитириш, қўриқланадиган табиий ҳудудлар тизимини ривожлантириш, халқаро ташкилотларни миллий экологик муаммоларни ҳал этишга жалб қилиш имконини беради.

Шу билан бирга, атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида амалдаги давлат бoshqaruvi тизими ва назорати бўйича ўтказилган таҳлил бир қатор камчилик ва муаммолар борлигини кўрсатди, хусусан:

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида жисмоний ва юридик шахслар, махсус ваколатли давлат органлари, ташкилот ва корхоналар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳамда назорат қилувчи ягона давлат органининг мавжуд эмаслиги;

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Вазирлар Маҳкамасига бўйсунуш тартибининг ҳуқуқий асослари йўқлиги туфайли атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида идоралараро тўлақонли ҳамкорлик қилиш ва бу борадаги вазифаларни амалий жиҳатдан ҳал этиш имкони йўқлиги;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш соҳасидаги экологик, санитария мезъер ва талабларини бузганлик учун қонунчиликда назарда тутилган маъмурий жазо чораларининг етарли эмаслиги ва самараси пастлиги;

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги ваколатлари фақат ишлаб чиқариш чиқинди-

ларини назорат қилиш билан чекланган эди. Қўмитанинг амалдаги ташкилий тузилиши ва штатлар бирлиги унга юклатилган вазифаларни сифатли ва тўлиқ ҳажмда амалга ошириш имконини бермапти.

Шу муносабат билан, экология, атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, бу йўналишдаги давлат бoshqaruvi ва назорат тизимини такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, "2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури"да кўзда тутилган бошқа вазифаларни ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бoshqaruvi тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Фармонда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунувчи ва ҳисобот берувчи Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига айлантириш (кейинги ўринларда — Давлат экология қўмитаси) назарда тутилмоқда.

Фармон билан Давлат экология қўмитасига қуйидаги вазифалар юк-

ланди: экология, атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат бoshqaruvinини амалга ошириш;

маиший чиқиндиларни тўплаш, ташитиш, қайта ишлаш, утилизация қилиш ва кўмиш ишларининг самарали тизимини ташкил этиш;

атроф-муҳитнинг экологик ҳолати мақбул тарзда сақланишини, экология тизимлари, табиий комплекслар ва алоҳида объектларни қўриқлашни, экологик вазият соғломлаштирилишини таъминлаш;

ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, қўриқланадиган табиий ҳудудлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оши-

риш соҳасидаги қонунчиликка риоя қилиш борасида давлат экологик назоратини амалга ошириш;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат мақсадли юриштириш, шунингдек, ёввойи ҳайвонлар, ёввойи ўсимликлар кўпайтириладиган ва сақланадиган питомниклар, зоология ва ботаника коллекцияларининг давлат ҳисобини юриштириш;

экологик тарбия, тарғибот ва маърифий ишларни, шунингдек, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳаси мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

Фармонга мувофиқ қуйидаги тузилмалар ташкил этилади:

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларининг марказий аппаратларида Чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, уларни тўплаш, сақлаш, ташитиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, кўмиш ва реализация қилиш бўйича назорат инспекциялари;

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари ҳузурида «Тоza ҳудуд» давлат унитар корхоналари ва мамлакатимиз шаҳарларида, шунингдек, туман ҳокимликлари ҳузуридаги ободонлаштириш бошқармаларининг чиқиндиларни олиб кетиш бўйича хизмат кўрсатадиган участкалари негизда уларнинг филиаллари;

табиатни муҳофаза қилиш республика ва маҳаллий жамғармалари негизда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича жамғарма ташкил этилади, жамғарма маблағлари биринчи навбатда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлариға, жумладан, чиқиндилар билан боғлиқ ишларға ва биоресурсларни сақлаш ва қайта тиклашға, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза ва мониторинг қилиш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ўтказишға, тарғибот ва маърифий ишларни ташкил этишға, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги мутахассисларни тайёр-

лаш ва қайта тайёрлашға йўналтирилади;

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш давлат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Биохилма-хилликни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни назорат қилиш инспекцияси этиб қайта тузилади ва унинг ҳудудий инспекциялари ташкил қилинади.

Хорижий мамлакатларнинг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини ташкил қилишға оид тажрибасидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз қонунчилигиға Давлат экология қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси олдида ҳисобот бериб бориши юзасидан ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига жисмоний ва юридик шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш, бу борада чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун жарима санкциялари миқдорини ошириш, Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги қонунлариға кўп жойда ўчрайдиган фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун жисмоний ва юридик шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш юзасидан ўзгартиш киритилади.

Мазкур қарорнинг амалга оширилиши жуда муҳим аҳамиятға эға бўлиб, қуйидаги натижаларға эришиш имконини беради:

биринчидан — атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида фаолият кўрсатаётган давлат назорати ва бoshqaruvi органларининг тизимли иш олиб бориш самарадорлигини оширади;

иккинчидан — экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги идоралараро самарали ҳамкорликни таъминлайди;

учинчидан — атроф-муҳитнинг экологик ҳолати, экологик тизим, табиий комплекслар ва алоҳида объектларни қўриқлаш учун қулай шарт-шароитлар яратди.

«Ташаббус»да янги номинациялар

Ўзбекистон миллий матбуот марказида "Ташаббус — 2017" кўрик-тапловиға тайёргарлик кўриш ва ўтказиш борасида амалга ошириладиган ишлар" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Маълумки, танлов ўтган йиллар давомида учта асосий — "Йилнинг энг яхши тадбиркори", "Йилнинг энг яхши фермер", "Йилнинг энг яхши хунарманди" номинация ҳамда "Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори", "Энг яхши тадбиркор аёл", "Энг яхши инновацион лойиҳа", "Ёшларға энг кўп

иш жойи яратган тадбиркор", "Энг яхши оилавий бизнес соҳибни", "Энг масъулиятли ижтимоий шерик", "Менинг юртим — менинг ифтихорим", "Энг яхши экспортчи", "Йилнинг энг яхши маҳсулотни" қўшимча номинациялари йўналишида ўтказиб келинади.

— Давр билан ҳамнафас яшаш ўтказилаётган тадбирларимизда ҳам ўз аксини топиши жоиз, — деди ўз сўзида Савдо-саноат палатаси бош мутахассиси Исомиддин Нуриддинов. — Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб "Ташаббус — 2017"да аввалги йиллардан фарқли ўлароқ "Ўзининг савдо белгиларини йўналтириш ва янги бозорларни

эгаллаганлик учун", "Республика ички бозорларида талаб бўлган янги турдаги истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиққанлик учун" қўшимча номинациялари ҳам жорий қилинди. Шунингдек вазирлик, идора ва ташкилотлар томонидан "Мудофаа вазирлиги билан ишлаётган энг яхши тадбиркор", "Озиқ-овқат саноатида энг яхши йил тадбиркори" номинациялари ташкил этилди.

"Ташаббус — 2017"ни ўтказишға тайёргарлик жа-

раёнида иштирок этувчиларнинг ўз ҳужжатларини электрон тарзда жўнатишлариға имконият яратилганини ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш мумкин. Айниқса, барча бoshqaruvi қатнашчилари ва голибларининг ўз йўналишлари бўйича қаб-ҳунар коллежларида бўлиб, ёшлар билан давра суҳбатлари уюштиришлари, тадбир жараёнилариға ушбу муассасалар битирувчиларини жалб этиб, уларни иш ўринлари билан таништиришға ҳам алоҳида эътибор қаратилиши танлов нуфузи ортиб бораётганидан далолат беради.

Ойбуви ОЧИЛОВА

Yangiliklarda yurt nafasi



“Ўзэкспомарказ”да “JobFair — 2017” ўнинчи ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди.

MyJob.uz амалий тармоғи ва “Карьера+” газетаси тахририяти томонидан ўтказилган тadbirning очилишида мамлакатимизда янги иш ўринлари ташкил этиши, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини оширишга доимий эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бу борада 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси муҳим дастуриламал бўлаётир.

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурига мувофиқ 2016/2017 ўқув йилидаги 450 минг битирувчи иш билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, 800 дан ортиқ ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркасини бевосита касб-хунари коллежларида ўтказиш, тadbirkorлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган талабаларга 360 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратиш, ногирон ва кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган коллеж битирувчилари учун 50 мингта иш ўринини банд қилиш режалаштирилган.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб олиш мақсадига 24—28 апрель кунлари “JobFairOnline — 2017” онлайн-ярмарка ҳам ўтказилди. Талабгорлар www.jobfair.uz интернет портали орқали онлайн тарзда иштирок этиб, иш берувчилар билан бевосита мулоқот қилиши ва ишга жойлашиши мумкин бўлади.

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида “Таълим тизимининг техника йўналишида халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш” мавзусида конференция ўтказилди.

— 2016 йилда илмий-техникавий давлат дастурлари доирасида жами 82 фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар бўйича 4 миллиард 718 миллион сўмлик илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди, — дейди университет проректори Ботир Мирзаахмедов. — Жорий йилда 7,5 миллиард сўмлик илмий-тадқиқот ишлари бажарилиши режалаштирилган. Сўнгги уч йилда саноат корхоналарининг техник, технологик ҳамда хомашё муаммоларининг ечимига қаратилган 120 дан ортиқ ҳўжалик шартномаси амалга оширилди.

Конференцияда инновация фаолиятини ривожлантириш, энергия ва ресурс тежайдиган технологиялардан кенг фойдаланиш, импорт ўринини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш масалалари кўриб чиқилди. Иқтисодий тизимнинг реал сектори корхоналаридаги мавжуд долзарб техник, технологик ва хомашё муаммоларини ҳал этишга доир тақлиф ва тавсиялар берилди.

Шўрчи туманида фуқаролар йиғинлари ҳузурдаги ота-оналар университети фаолияти самарадорлигини оширишга бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди Сурхондарё вилояти бўлими, вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тadbирда фуқаролар йиғинлари ҳузурдаги ота-оналар университети раҳбарлари, аъзолари, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, маҳаллалар фаоллари иштирок этди.

— Бу каби ишлар бугунги глобаллашув даврида юртимиздаги тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, фарзандларимизда Ватанга муҳаббат, истиқлол гоғларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғулларини юксалтириш, оилаларда соғлом психологик муҳитни таъминлашга хизмат қилмоқда, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бош мутахассиси Замира Омонова. — Шу боис бундай тadbirlарни Термиз шаҳри ва барча туманларда ўтказиш белгилаб олинди.

Навоийда ўтказилган “Камалак” билимдонлари кўрик-танловининг вилоят босқичида Нурота туманидаги 55-умумтаълим мактабининг “Нурли келажак” жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

— Бундай тadbirlар биз, ёшларни янада фаол бўлишга undайди, — дейди “Нурли келажак” жамоаси сардори Умида Нариддинова. — Танловда гоғлиб чиқишимиз осон бўлгани йўқ. Мактабимизда биз, ёшларнинг пухта билим олишимиз, истеъдод ва салоҳиятимизни юзага чиқариш учун замонавий шароитлар яратилган. Танловнинг мамлакат босқичида ҳам гоғлиб бўлишга ҳаракат қиламиз.

Танловда иштирок этган 10 жамоа шеър, кўшиқ, монолог, слайдлар воситасида ўз жамоасини таништириб, болалар ўртасидаги айрим муаммолар ва уларнинг ечимлари акс этган саҳна кўринишларини намойиш этди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Эътибор ва ғамхўрлик

ёшларни юксак марраларга йўлламоқда

Миллий матбуот марказида “Олий таълим тизимида ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилиши: эришилган натижалар ва истиқболдаги вазифалар” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган тadbирда вазирлик масъула ходимлари, иқтисодчи талабалар иштирок этди.

Тadbирда истиқлол йилларида мамлакатимизда ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, юксак маънавиятли, зукко, билимдон, юрт тақдирига дахлдорликни ҳис этадиган авлодни тарбиялашга катта эътибор қаратилгани, 2016 йил 15 сентябрда қўлga кирган Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни бу борада ўзига хос янги босқични бошлаб бергани таъкидланди. Жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт, меҳнат ва бошқа соҳаларда ёшларнинг

ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мамлакатимиз ёшларининг нуфузли халқаро фан олимпиадалари, турли кўрик-танловлар, спорт мусобақаларида юқори натижаларни қўлга киритишига имкон яратмоқда.

Анжуманда қайд этилганидек, айна пайтда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида 59 та олий таълим муассасаси ва 11 та ҳудудий филиали, 7 та хорижий олий таълим муассасасининг филиали фаолият кўрсатмоқда. Бакалавриятда 260 мингдан зиёд,

магистратурада 10 мингдан ортиқ талаба таҳсил олмақда. Уларга 22 мингдан зиёд профессор-ўқитувчилар таълим бермоқда. Таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш механизми яратилган бўлиб, “Ахборот соати”, “Маънавият кўни”, “Оила — маҳалла — таълим муассасаси ҳамкорлиги” доирасида изчил тadbirlар ташкил этилмоқда. Хусусан, китобхонликни кенг тарғиб қилиш, ёшларда мутолаа маданиятини шакллантириш масалалари алоҳида эътиборда. “Ягонасан, муқаддас Ватан!”, “Тафаккур синовлари” каби кўрик-танловлар эса талабаларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини бойитиш, бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилмоқда.

МУХБИРИМИЗ

Маънавий тараққиёт омили

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамда Камолитдин Бехўд номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳамкорлигида “Миллий ва умуминсоний маданиятлар уйғунлиги: назария ва амалиёт” мавзусида анъанавий республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Анжуманда миллий ва умуминсоний маданиятлар уйғунлиги, жаҳон халқлари билан маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва тараққий эттириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, бу борада амалга оширилаётган олохотлар сермазмунлиги ва кўп қирралилиги билан жамиятимиз ҳаётида ўзининг ёрқин ифодасини топаётгани алоҳида таъкидланди. Ҳақиқатан ҳам, юртимиздаги илм-фан, адабиёт ва санъат намояндларининг ушбу соҳада олиб бораётган ишлари жаҳон халқлари томонидан эътироф этилиб, юксак баҳоланмоқда, инсон қадр-қиммати энг олий қадрият си-

фатаида давлатимиз сиёсатида устувор масалага айланган.

Тadbирда “Санъат — оммавий маданият” салбий таъсирини жиловловчи восита”, “Маданиятшунослик” фанини ўқитишнинг долзарб муаммолари”, “Шарқ миниатюраси — миллий ва умуминсоний қадрият сифатида”, “Шарқ ва Ғарб ўртасидаги маданиятларнинг уйғунлашуви” мавзуларида маърузалар тингланди. Шундан сўнг анжуман иши шўьбаларда давом эттирилди.

Конференция доирасида Ўзбекистон Миллий университети “Маънавият асослари ва диншунослик” кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган янги ўқув-услубий адабиётлар, Камолитдин Бехўд номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаларининг “Санъатда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги” мавзусидаги ижодий ишлари намойиш этилди.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ,
“Ma'rifat” мухбири

Ноанъанавий конференция

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида “Хорижий тилини ўқитишда ўзбек тилининг аҳамияти: муаммолар, ечимлар ва истиқболли режалар” мавзусида масофавий илмий-амалий конференциянинг очилишига бағишланган тadbир бўлиб ўтди.

— Конференцияда юртимизда фаолият юритаётган хорижий мутахассисларни тақлиф этганимиз. Иштирокчилар уларнинг маърузаларини тинглаб, амалий машғулотларини кузатиш имконига эга бўлишди, — дейди филология фанлари номзоди Нозила Нормуродова. — Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасалари, илмий марказларда фаолият юритаётган чет тили ўқитувчиларининг 30

га яқин илмий мақоласи ҳамда маърузалари сараланган. Улар виртуал майдонда кенг аудитория эътиборига видео ва матн шаклида хавола этилади. Биринчи кўринишда ўқувчи мақола аннотациясини ўқиш, унинг видео тасвирини кўриши, иккинчисида эса маърузаларнинг тўлиқ матни билан танишиб, муносабат билдириши, изоҳ қолдириши ёки мақола муаллифига савол бериши мумкин.

Конференцияда чет тилларни ўқитишда ўзбек тилининг аҳамиятига тааллуқли муаммолар ўртага ташланган, уларнинг ечимини ва истиқболли режалар, тақлифлар умумлаштирилиб, таълим жараёнига таътиқ этилиши кўзланган. Айна конференция онлайн тарзда бешта шўьбада ўз ишини давом эттирди.

Конференция “Ўзбекистонда хорижий тиллар” илмий-методик электрон журналы ва интернет портали www.fledu.uz платформасида www.conference.fledu.uz сайтида 28 апрелга қадар давом этади.

Дилмурод ДЎСТБЕКОВ,
“Ma'rifat” мухбири

Ёт ғояларни ёнимизга йўлатмайлик!

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида вояга етмасанлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, диний экстремизм ва терроризм иллатларига қарши курашиш масаласига бағишланган тadbир ўтказилди.

Тadbирда сўзга чиққанлар ёшларни ёт ғоялар таъсиридан асраш бўйича олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги сазй-ҳаракатлар ҳақида гапирди. Президенти томонидан ҳафтанинг пайшанба кўни жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика кўни деб эълон қилинган ва шу кўни олиб борилаётган тadbirlар натижасида турли ноҳушликларнинг олди олинаётгани алоҳида таъкидланди.

— Тинч ва осойишта, ғўзал ва фаровон юртимизни доимо кўз қорачиғидай асрашимиз лозим, — дейди Ўзбекистон Мусулмонлари идораси ходими Илҳомжон Маърупов талабаларга юзланиб. — Ёт ғояларни асло ёнимизга йўлатмаслигимиз, фаровон дийёрда яшаётганимизга шукрона келтиришимиз керак. Саудия Арабис-

тонда Ҳаж сафарини ўтаётганимизда юртдошларимиз турган меҳмонхона ходимлари қайси давлатдан эканимиз, яшаш шароитимиз ҳақида қизикди. Уларга ўзим яшайдиган хонадон, уйимиз ортидаги пуриқор тоғлар, доимо оқиб турувчи булоқ суви, боғимиздаги олма, шафтоли, ўриклар, ҳовлимиздаги гулу лолалар ҳақида гапирдим. Жадал сурьатлар билан ривожланиб бораётган мамлакатимиз, илм-фан, спорт, маданият ва санъат соҳасида ёшларимиз кўлга киритаётган улкан ютуқлар ҳақида фахр билан сўзлаб бердим.

Илҳомжон Маъруповнинг Ватанини уғуллаш, диний экстремистик ғояларнинг ёш авлод онгига салбий таъсири борасида билдирган фикрлари ёшларда катта таассурот қолдирган бўлса, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг дарсга бормасдан вақтини бейфойда сарфлаётган ёшлар, ҳуқуқбузарлик содир этаётган ўғил-қизлар, қонунбузарликларнинг аянчи оқибатлари ҳақидаги маълумотлари талабаларни огоҳликка чорлади.

Ҳасан МЎМИНОВ

2017-yil 22-aprel, № 32 (8993)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари С.Ортиқова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари С.Отамуродов, «Тараққиёт стратегияси» маркази ижрочи директори А.Бурхонов ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида барча даражадаги давлат идораларининг халқ билан мулоқотларини изчил амалга оширишнинг таъкидлади. Бу юртдошларимизнинг нафақат ўз муаммоларига ечим топишга, балки уларнинг ижтимоий ҳаётда янада фаолроқ бўлиш, жамият тараққиёти учун дахлдорлик туйғуси кучайишига замин яратди.

дан ортиқ коллектор-дренаж тармоқлари ҳамда 15 гидротехник иншоот реконструкция қилинди. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мева-сабзавот, картошка ва узум ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, ички бозорда уларга бўлган нархлар ошишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида барча тоифадаги ҳўжаликларнинг асосий майдонларига 106,5 минг гектар сабзавот, 64,9 минг гектар картошка ва 9,4 минг гектар полиз экинлари экилди.

Тижорат банклари томонидан фуқароларнинг қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қорамол, қўй, эчки, қўён боқиш ва гўшт етиштириш, паррандачилик ва асаларичиликни ривож-

ҲАЁТИЙ САБОҚЛАР ҲУШЁРЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Фарзандининг жиноят йўлига кирганини она жуда кеч билди. Чунки уйдан узоқда ишлаётган ўғлининг юриш-туришидан хабардор бўлолмас, унинг айтганларига ишонини унга чораси йўқ эди. Ёмон йўлга кирган, гўёҳандликни касб қилган ўғил ўз кирдиқорини фош этармиди? Лекин кўза кунда эмас, кундагина синади, деганларидек, у барибир жиноят устида қўлга тушиди...

Payshanba — profilaktika kuni

Узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилган ўғлини қамоқдан чиқариш учун онаизор ким нима деса шунга кўнишга тайёр эди. Ахир чўкаётган одам хасга ҳам ёпишади-да. Вазиятдан хабар топган Мираббос исми фуқаро аёлининг ҳузурига келиб «20 минг доллар берсангиз, ўғлингизни тезда чиқариб бераман», деди. Аёл бор будини сотиб, айтилган пулни унга қўшқўллаб топширди. Бироқ орадан кунлар, ойлар ўтса ҳамки, ўғли панжара ортидан қайтмади. Шундагина аёл алданганини тушуниб тедди ва ички ишлар органига бу ҳақда мурожаат қилди. Фирибгар қўлга олиниб, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Бу каби ҳолатлар ҳаётда учраб туради. Буни эшитган ўзига сабоқ олиб, ҳўшёр тортса, эшитмади қолган яна кимдир шу хатони такрорлайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан жорий этилган профилактика кунда юқоридаги каби жиноятлар, уларни келтириб чиқараётган сабаблар ва оқибатлари аҳоли ўртасида тушултирилиб, муҳокама этилаётганини юртдошларимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳўшёрлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Навбатдаги профилактика кунда пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Навбахор, Қатортол маҳаллаларида содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликлар муҳокама этилди. Жаҳл устида дўстига тан жароҳати етказган, қўшнисини ҳақорат қилган, одоб-ахлоқ қоидаларини бузган фуқаролар маҳалла аҳли ўртасида муҳокама этилди. Бир қарашда арзимангандек туюлган ишларнинг оқибати бундай тус олишини кутмаган ҳуқуқбузарларнинг маҳалладошлар кўзига қарай олмай боши

хам бўлди. Нуруний отахон ва онахонларнинг куч топиб, вақт топиб бу ерга келгани, берган танбехлари ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Кўпни кўрган пиру бадавлатларимизнинг мана шундай тадбирларга таклиф этилаётгани аҳоли, айниқса, ёшларнинг тўғри йўлдан чалғимаслигида муҳим аҳамият касб этаётир.

Президентимизнинг профилактик чора-тадбирларни кучайтириш бўйича қўяётган талаблари изчил bajarилётгани натижасида жиноят ва ҳуқуқбузарликлар кескин камаймоқда, — дейди Чилонзор тумани ички ишлар бошқармаси бўлим бошлиғи Фурқат Суяров. — Маҳаллаларда фаолият юритаётган профилактика инспекторларига зарур шарт-шароит яратиб берилётгани уларнинг самарадор ишлашига кенг йўл очмоқда. Zero, Президентимиз таъкидлаганидек, профилактика инспектори маҳалладаги ҳар бир онадон билан яқин мулоқот ўрнатиши, қўчалар ва жамоат жойларини қатъий назоратга олишида муҳим аҳамиятга эга.

Тумандаги 178-умумий таълим мактабда сурункали равишда дарсга келмаётган ўқувчининг отаси, бу виси иштирокида муҳокама ташкил этилди. Онаси оламдан ўтгач, бу боланинг кўнгли қаттиқ ўксиган. У нафақат дарсдан, ҳатто уйдан ҳам қочиб кетишни одат қилган. Унинг руҳиятида пайдо бўлган кемтикни тўлдирди, далда бўлиш ҳақида, афсуски, ҳеч ким йўлаб кўрмаган. Муҳокама асосида буларнинг бари чуқур таҳлил этилди. Психологлар ёрдамида бола билан суҳбат олиб борилди. Унинг яқинларига бу борада тавсиялар берилди.

Атрофида пайдо бўлган меҳр-оқибат муҳити, эътибор ўқувчининг кўнглини кўтариб, келажакка умид пайдо қилди, десак хато бўлмайди. Чунки бу унинг мурғак қўзларида пайдо бўлган шўълада, ишончда намоён эди.

Профилактика кунда тўртта мактаб ва лицейда давомат тадбири ўтказилди. Мактабларда ўқувчиларнинг дарсга қатнашиш кўрсаткичи ошган бўлса-да, ҳали юз фоизга етгани йўқ, Фарзандининг дарсга боришини назорат қилмаётган ота-оналарга огоҳлантиришлар берилганига қарамай, ҳамон шундай ҳолга йўл қўйилмоқда. Демак, бу борадаги чораларни кучайтиришга зарурат тугилмоқда. Зотан, ҳар бир боланинг илму хунар эгаллаши, комил инсон бўлиб вояга етиши учун улар ҳар кун таълим муассасасида бўлиши шарт.

Туманининг Яккатут маҳалласи улкан бунёдкорлик майдонига айланган. Бу ишлар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг яқинда Чилонзор туманига ташрифи давомида берган топшириқлари асосида амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари маҳалламизга келганида кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи ширкатлар фаолиятини ривожлантириш зарурлигига эътибор қаратди, — дейди «Яккатут» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нодирбек Рўзметов. — Мутасаддилар иштирокида бу масала муҳокама этилди. Қисқа фурсатда «Боқий коммуналчи» ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкати-га 164 миллион сўм кредит ажратилди. Ҳозир тўрт қаватли уйнинг йўлақлари, фасад қисмида таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

Маҳалла аҳли бундай эътибор ва ғамхўрликдан мамнун бўлиб, ижтимоий ҳаётда фаол бўлишга, ён-атрофни ободонлаштиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бу каби хайрли ишлар маҳалланинг нафақат ободлигига, балки муҳити соғломлаштиришга хизмат қилади.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН АМАЛИЙ ҲАРАКАТЛАР

Бу жараёнда туман ва шаҳарларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича Халқ қабулхоналари ташкил этилган, сенатор ва депутатлар томонидан жойлардаги ҳақиқий аҳволни ўрганиш бўйича тизим йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этаётир. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари раҳбарларининг виртуал қабулхоналари ҳам шакллантирилди.

Аҳолига қудайлик яратиш мақсадида темир йўл транспорт соҳасида юқори тезликда ҳаракатланадиган «Та1го 250» русумли йўловчи поездини сотиб олиш, темир йўл линияларини қуриш, таъмирлаш, электрлаштириш ҳамда вагонлар таркибини янгилаш каби 6 лойиҳа доирасида 107,7 миллион доллар маблағ ўзлаштирилди. Тайёр чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича умумий қиймати 12,7 миллион доллар бўлган 10 лойиҳа амалга оширилди. Тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасига 32 миллион доллар миқдорда инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига 3 янги ва модернизация қилинган замонавий енгил санаят корхонаси ишга туширилди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 1,8 минг километр-

лантириш, иччам иссиқхоналар ташкил этиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, аёлларнинг тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2,5 триллион сўм кредит ажратилди.

Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизими тубдан такомиллаштирилди. Суд-ҳуқуқ ва бошқа соҳаларга оид қўллаб янги қонун ҳужжатлари қабул қилинди, қатор қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Тадбирда мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлардан аҳолининг қанчалик хабардорлиги, бўлаётган ўзгаришларга муносабати акс этган видеолавҳа намойиш этилди. Унда кўпчилик фуқаролар таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини яхшилашга эътибор кучайганидан мамнунлигини билдириб, аҳоли билан очиқ мулоқотлар йўлга қўйилганини ижобий баҳолаган.

«Тараққиёт стратегияси» маркази томонидан олиб борилган таҳлилий ўрганишлар, шунингдек, аҳолидан келиб тушган мурожаат ва тақлифларни инобатга олган ҳолда тақлиф этилган Олий суд, Ташқи ишлар, Ички ишлар, Иқтисодиёт, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Марказий банк масъул ходимлари анжуман иштирокчиларининг ҳамда худудий ОАВ вакиллари ва ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари томонидан йўлланган саволларга жавоб қайтарди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

Солиқ билимлари — болаларга

Юртимизда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Солиқ билимлари — болаларга!» кўрик-танлови ёш авлоднинг солиқ соҳасидаги билим ва кўпчиликни бойитишга хизмат қилмоқда. Айни пайтда Давлат солиқ қўмитаси томонидан ташкил этилган мазкур ижодий беллашувнинг худудий босқичлари ўтказилмоқда.

Бухоро вилоятида ўтказилган беллашувда туман (шаҳар) босқичида голибликни қўлга киритган 40 нафардан ортиқ ўқувчи иштирок этди. Танлов шартларига кўра иштирокчилар солиқ тўғрисидаги билиминини тасвирий санъат, ёзма ижодий иш ҳамда АКТдан эгаллаган билими бўйича ўзаро баҳлашди.

Кўрик-танловда тенгдошлари орасида фаоллик кўрсатган Бухоро шаҳридаги 34-умумтаълим мактаби ўқувчиси Шаҳина Собирова «Солиқ мав-

зусининг суратлардаги тасвири» номинатсияси бўйича ғолиб, деб топилди. Шофиркон туманидаги 35-умумтаълим мактаби ўқувчиси Меҳрибон Сайфуллаеванинг сермазмун ҳикояси ҳамда Бухоро солиқ коллежи ўқувчиси Назира Олимованинг «Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати» мавзусидаги ишончи қамқамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди. Бухоро солиқ коллежи ўқувчиси Бобур Пулатовнинг «Нима учун солиқ тўлаймиз ва бу маблағ қандай сарф-



ланади?» мавзусидаги видео-ролиги кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Ҳалиларга ташкилотчиларнинг диплом, эсдалик совғалари ҳамда кўрик-

танловнинг республика босқичида қатнашиш йўлланмалари берилди.

Қамолдин ХОТАМОВ,
Давлат солиқ қўмитаси ахборот хизмати бош мутахассиси

Ота-оналар билан мулоқот

беш усулда олиб борилмоқда

2017 йил — "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" муносабати билан Гурлан туманидаги 6-мактабда ҳам "Халқ қабулхонаси" ташкил этилган бўлиб, директор Дилбар Ниёзматова ва унинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Гулнора Тўраева бу ерга турли масалаларда мурожаат этувчилар билан самарали мулоқот олиб бормоқда. Хонада фуқаролар учун барча қулайликлар мавжуд бўлиб, деворларга "Мактаб ички назорат доскаси", "Ўқитувчиларга қўйилган талаблар" стенди осилган, компьютер, принтер, мурожаатларни қайд қилиш дафтари ва бошқа жиҳозлар қўйилган.

Мактабда халқ билан мулоқот ва аҳоли мурожаатларини қабул қилиш беш усулда олиб борилмоқда: "Халқ қабулхонаси"да суҳбатлашиб; аҳоли уйларида бориб мурожаатларни қабул қилиш; ёзма мурожаатлар учун қўйилган махсус кути; ота-оналар ва фаоллар йиғилишини ўтказиш; телефон орқали мулоқот.

"Мурожаатларни қайд қилиш дафтари"да йил бoshidan буён турли масалалар бўйича 25 та мурожаат қайд этилган. Масалан, 9-"Б" синф ўқувчиси Юлдуз Йўлдошеванинг ота-онаси қизини Гурлан маиший хизмат касб-хунар коллежида ўқитиш ниятида экан. Аммо Юлдуз Урганч шаҳридаги 2-академик лицейда ўқини хоҳлайди. Ўқувчининг отаси Ҳамза Рўзи-

матов масалани мактаб маъмурияти билан масала ҳатлашиб ҳал қилиш мумкинми, деб мурожаат қилган. Мактаб директори Юлдузнинг синф раҳбари Дилноза Матёкубова билан масалани муҳокама қилиб, зарур хулосага келади.

— Мен ота-онам тавсиясига кўра, ўзимизга яқин ҳудуддаги маиший-хизмат касб-хунар коллежида ўқини давом эттирмоқчи эдим, — дейди Юлдуз Йўлдошева. — Яқинда бўлиб ўтган фан олимпиадаси вилоят босқичида 4-ўринни эгаллаб, академик лицейга имтиҳонсиз қабул қилиниш имтиёзига эга бўлганимдан кейин, қарорим ўзгарди. Ота-онам аввалига розилик беришмади. Отам мактабга келиб директоримиз ва синф раҳба-

2017-yil — Xalq bilan muloqot va inson manfaatlarini yili

римиз билан мулоқот қилганидан сўнг қароримни маъқуллади. Директоримиз ҳамда ўқитувчиларнинг тўғри кўрсатмаси келажимга катта таъсир кўрсатди.

— Кўпчилик ота-оналар фарзандининг аллақачон улгайиб қолганини сезмайди. Ўқувчи қалбида ўз тақдири билан боғлиқ шундай муаммолар борки, бу ҳақда улар ота-онасидан кўра ўқитувчиси билан ўртоқлашишни афзал билади. Биз ота-она билан ўқувчи ўртасида "кўприк" вазифасини ўтамоқдамиз, — дейди мактаб директори. — Турли масалаларда ота-оналар билан жонли, юзма-юз суҳбат педагогаримизни ҳам фаоллаштириб юборди. Синф раҳбарлари ҳар бир ўқувчининг уйига бориб, ота-онаси билан суҳбатлашади. Уларнинг дарсдаги иштироки, мактабда, уйда, кўчада ўзини тутиши, кийиниши, нималарга қизиқиши, телефон ва интернетдан мақсадли фойдаланиши бўйича ота-оналарга берилган

тавсиялар ўзини оқламоқда.

Ота-оналар ҳам мактаб раҳбарияти ва синф раҳбарлари билан телефон орқали доимий мулоқотда бўлиб туришибди. Аввал ўқитувчи дарс қолдирган ўқувчининг уйига кўнғироқ қилиб, сабабини суриштирган бўлса, эндиликда ота-оналар фарзандининг давомати юзасидан маълумот берадиган, узрли сабаблар чиқиб қолса, ўқитувчини олдиндан оголантирадиган бўлди.

Мактаб жамоаси ҳар ойда бир марта аҳоли билан умумий мулоқот ўтказиб келмоқда. Ота-оналарнинг бир-бирига ўхшаш мурожаатлари жуда кўп. Энг муҳими, таълим соҳасига бефарқ бўлмаган киши фарзандининг келажиги мактаб билан боғлиқлигини чуқур англайди. Синф раҳбарларининг "Мурожаатларни қайд қилиш" дафтари ота-оналар билан ёзма мулоқот ва жонли суҳбат ўтказиш омили бўлмоқда. 8-"Б" синф раҳбари Ёрқин-Жуматованинг ўз ўқувчилари уйига бориб, ота-

онаси билан мулоқотда бўлаётганини, уй шароити билан танишаётганини ҳамкасбларига ўрнак қилиб кўрсатиш мумкин. У боланинг бўш вақтини самарали ўтказиш, мактаб, маҳалла ва уйдаги юмушларни бажаришга кўмаклашиш каби масалаларда ота-оналар билан дилдан суҳбатлашади. "Мурожаатларни қайд қилиш" дафтарида ҳар бир мулоқотнинг тафсилоти бор.

Ўқитувчилар уйма-уй юриб, ота-оналар хузурига боришмоқда. Буни қарангки, педагоглардан ибрат олиб, ота-оналар ҳам мактабга тез-тез келадиган бўлишди. Тадбиркор Шоира Давлетова фарзанди Мохира Шомуродованинг ўқиши билан қизиқиб, кун бўйи унинг барча дарсларини кузатди. Қизи қайси фанни қандай ўзлаштираяпти? Бу — ота-она учун муҳим масала. Қизининг инглиз тили фанини қизиқиши бор. Она ўқитувчилари билан суҳбатлашди. Уни дарсликдан ташқари ўқув манбалари билан таъминлаш бўйича муаллиманинг кўрсатмаси онага маъқул келди.

Ота-она ва педагог бола таълим-тарбиясида катта куч. Демак, уларнинг кўпроқ мулоқотда бўлиши ўз самарасини бериши аниқ.

Маҳмуд РАЖАБОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Таълимда замонавий инновацион технологиялар

"Ўқув жараёнига замонавий инновацион технологияларни жорий этиш: муаммо ва ечимлар" мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани тавсиялари

Ўқув жараёнига замонавий инновацион технологияларни жорий этишга доир халқаро ва маҳаллий тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш, тўплаш ва уларни оммалаштириш таълим сифати ва самарадорлигини ошириши шубҳасиз. Шу мақсадда жорий йилнинг 14-15 апрель кунлари Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида ўтказилган "Ўқув жараёнига замонавий инновацион технологияларни жорий этиш: муаммо ва ечимлар" мавзусидаги республика илмий анжуманида соҳани янада ривожлантиришга доир зарур чора-тадбирлар белгиланди. 200 нафардан ортиқ илмий-педагог ходимлар, катта илмий ходим-изланувчилар, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари профессор ўқитувчилари ва умумтаълим мактаблари ўқитувчилари иштирок этган анжуманда ўқитишнинг долзарб муаммолари, хусусан таълим муассасалари фаолиятини замонавий инновацион таълим технологиялари асосида такомиллаштириш, шу орқали таълим жараёни сифати ва самарадорлигини таъминлаш, ягона электрон ахборот-таълим мухитини яратиш ва жорий этиш билан боғлиқ масалалар, баҳолаш индикаторлари ва уларни амалиётга жорий этишга доир фикр-мулоҳазалар жамланиб, қуйидаги тавсиялар қабул қилинди:

— синф раҳбарлари фаолияти орқали таълимни инновацион технологиялар асосида такомиллаштиришни рағбатлантириш учун "Йилнинг энг фаол синф раҳбари" кўрик-танловини ўтказиш;

— умумий ўрта таълим мактабларининг ягона ахборот-таълим порталини яратиш; ягона ахборот-таълим порталининг ресурсларидан фойдаланиш бўйича тартиб ишлаб чиқиш ва амалиётда фойдаланиш;

— ҳар бир таълим муассасасига порталга кириш учун бир хил имконият яратиш;

— таълим ва бошқарув фаолиятига янги ахборот технологияларини, масофавий таълим элементларини жорий этиш;

— масофавий малака ошириш шароитларини яратиш;

— ўқувчи-талаба-малака оширувчининг ягона ахборот-таълим мухитидаги фаолиятида ижобий жиҳатларни педагогик мониторинг ёрдамида таъминлаш;

— педагог ходимларнинг касбий фаолиятини такомиллаштиришга шароит яратиш, уларнинг билим, кўникма ва малакаларини узлуксиз ривожлантириш;

— аниқ ва табиий фанлар ўқитувчилари учун глобал интернет тармоғида аниқ ва табиий фанлар таълимига оид веб-сайт ва веб-порталларни яратиш учун қўлланмалар ишлаб чиқиш;

— **Ziyonet.uz** ахборот-таълим



порталдан тўлиқ фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга оид қўлланмалар (тармоқ таркибда веб-сайтларни яратиш ва унга аниқ ва табиий фанларга оид ЭАТР (электрон ахборот таълим ресурс) ларини жойлаштириш ҳамда фойдаланиш) ишлаб чиқиш;

— **eduportal.uz** ахборот-таълим порталидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш;

— **uTube.uz** очик таълим видео порталидан фойдаланиш маданиятини шакллантириш;

— аниқ ва табиий фанлар туркумига кирувчи фанларга оид веб-сайт ва веб-порталларни яратиш ҳамда уларга ЭАТРларни жойлаштириш кўникмаларини шакллантириш;

— аниқ ва табиий фанлар таълимига оид яратилган веб-сайт ва веб-порталлардан ўқув жараёнида

фойдаланиш тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш;

— ўқувчиларнинг глобал интернет тармоғидаги ЭАТРлардан фойдаланиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;

— социолингвистик компетенцияни коммуникатив-кумулятив метод асосида чет тили ўқув предмети мазмунига сингдириш;

— дарсда қўлланиладиган анициялар ўқувчининг ёш хусусиятига, идрок этиш имкониятига мос тушишга эътибор қаратиш;

— мультимедиа тақдими ўқув материалларини осон ва тез ўзлаштиришга йўналтиришга эътибор қаратиш.

Ўйлаймишга, мазкур тавсиялар барча умумтаълим мактабларида дарсларнинг сифат ва самарадорлигини таъминлашга амалий кўмак беради.

Ташкилий қўмита

2017-yil 22-aprel, № 32 (8993)

Инсониятга тинчлик ва омонлик керак

Глобализация бугунги дунё манзарасини, оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабару маълумотларни кузата туриб, кишининг ақли шошади. Ўзингизга ўзингиз савол берасиз: хўш, инсон учун энг олий қадрият нима, одамзод нимага қараб интилоқда, нима учун курашмоқда? Бу саволни ер юзидаги ҳар қайси миллат, эл вакилига берманг, бир хил жавоб эшитасиз: "Бизга тинчлик ва омонлик керак".

Инсон ўз умри мобайнида кўп нарсани орзу қилади, режалаштиради, мақсад белгилайди. Аммо орзу-хавасга тинчлик ва омонлик бўлмаган жойда эришиб бўлармикан? Мутлақо йўқ. "Тинчлик" деган неъматнинг салмоғи шу қадар каттаки, уни бошқа нарса билан қиёслаб бўлмайди. Шу боис, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармони ва "Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори тинчликсевар халқимиз томонидан мамнуният билан кутиб олинди.

"Инсон, миллат ва халқ, — дейилади қарорда, — тарихий хотира туйғуси билан барҳаётдир. Хотира — кечаги ўтмиши, аждодалар ўгитини, миллий меросимизни англайтиб турувчи — муқаддас китоб зарварларидек ҳаётимизни ёритиб туради. Қадр — инсонни юксакликка кўтарилади, унинг фаолиятга, орзу-интилоқларига, мақсад-маслакларига олижаноблик бағишлайди.

Буқилмас ирода ва жасорат намунасини амалда намоен этиб, ўз ҳаётини азиз Ватанимизнинг ҳар томонлама равнақ топиши, бугунги тинч ва осойишта кунлар учун жонини фидо қилган аждодаларнинг муқаддас хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш, сифимизда юрган кексаларни эъзозлаш — одамийликнинг энг олий мезони ва бизга тинчлик, омонлик керак, деб яшайдиган бағрикенг ва олижаноб халқимизга хос азалий қадриятдир".

Мамлакатимизда умргузаронлик қилаётган 1542 нафар уруш қатнашчиси қарорда таъкидланган бу сўзлар мазмун-моҳиятини ҳаммамиздан кўра теранроқ ва чуқурроқ англайди. Урушнинг жабру жафосини кўрган отахону онахонлар хотираси ҳар биримиз учун сабоқ бўлиши керак. Президентимиз фармонига мувофиқ, уруш қатнашчилари ва ноғиронларига икки миллион сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти берилди. Ёлғиз ва кам таъминланган уруш қатнашчилари турар жойи ва уй ҳужраликларини таъмирлаш, ободонлаштириш ҳамда ўз уй-жойига эга бўлмаганлари эҳтиёжини қондириш бўйи-



9-may — Xotira va qadrlash kuni

риятлар трансформацияси юз бермоқда. "Оммавий маданият" унсурлари авж олди. Бу ҳолат тинчлик ва уруш, маърифат ва жаҳолат, қахрамонлик ва сотқинлик

нафақат бугун, айни пайтда кейинги тараққиётимиз учун ҳам ўта зарурдир. Қадрлашнинг аҳамияти бундан-да юқори, инсон бир-бирини азиз ва мўътабар деб бил-



ча жиддий чора-тадбирларни амалга ошириш белги-ланди.

Тинчликнинг зидди бўлган уруш инсоният ҳаётига не бир кулфату мусибатларни солмаган, дейсиз? 1939—1945 йилларда бўлиб ўтган Иккинчи жаҳон уруши асо-ратлари ҳали ҳам хотира-мизда нафақат сақланиб келади, балки унинг изтироб-лари ҳар бир хонадонда қақсидир кўриниши билан акс этиб турибди. Маълумотларга кўра, қурол кўтариб, жанг қилишга қурби етган 1,5 миллион ватандошимиз урушга отланган. 500 мингдан кўпроқ юртдошимиз жанг майдонларида мардларча ҳалок бўлди. Мардлик, жасорат, қахрамонлик каби инсоний фазилатлар урушда бутун бўй-басти билан намоен бўлган-лигини жангу жадал ишти-роқчиларининг таассуротла-ри орқали билиб олишимиз мумкин. 338 нафар юртдо-шимиз фашизм устидан қозонилган ғалабада мард-лик ва жасорат кўрсатган-лиги учун қахрамонлик ун-вонига сазовор бўлди. Фронт ортидаги сабр-бар-дощ, бағрикенглик, ирода ва матонат бугунги авлод учун сабоқ бўлмоқда. Собик иттифоқнинг гарбий ўлка-ларидан кўчириб келтирилган бир миллиондан ортиқ киши учун ўзбек хонадонлари бошлана бўлди. Шундан 200 мингдан зиёд болалар эди. Боложон ўзбек халқи бош-панасиз, ота-онасиз, оч-на-хор ўзга миллат фарзанд-ларини кучоқ очиб, қарши олди, нон-туз берди, оқ ювиб, оқ таради.

Бугун дунё нотинч, қад-

масалари ўртасидаги ку-рашни янада кучайтираёт-гандек, назаримизда. Дунё-нинг айрим қитъаларида ба-шарият душмани ҳисоблан-ган терроризмни кўкларга кўтариш, ундан андоза олиш, у келтирадиган тало-тўпларни қўллаш-қувватлаш каби ҳолатларга дуч келмоқ-дамыз. Бунга қарши кура-шишда, одамзоднинг ашад-дий душмани бўлмиш фа-шистарни тор-мор этишда мардлик, жасорат намуна-ларини кўрсатган қахрамон-ларни таъқиб этиш, ҳалок қилиш ҳўлари ҳам учрамоқ-да. Инсоният тақдирига бе-фарқлик баъзан ёшлар онгу тафаккурига салбий таъсир кўрсатиб, бунинг натижаси-да айрим йигит-қизлар но-тўғри йўлни танлаганини сезмасдан қолмоқдалар. Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг кенг қамровда олиб бори-лаётгани, катта авлод вакил-ларининг бой ҳаётий таж-рибасидан унумли фойдала-нилаётгани бу муаммони бартараф этишга қаратил-ган энг йирик чора-тадбир бўлиб қолади.

Бундан 18 йил аввал мам-лакатимизда 9 май санаси Хотира ва қадрлаш кунини, деб эълон қилинди. Ўйлаб кўрайлик, агар биз ўз хоти-рамизни йўқотсак, келажа-гимизни қандай тасаввур этамиз? Иккинчи жаҳон уру-шининг тугаганига 72 йил тўлганига қарамасдан, бу санани эсга олишимизнинг боиси нимада? Ота-бобола-римиздан бизга узатилган билим ва тажрибаларни билмасак ҳар қадамда тур-ли тўсиқларга дуч келмай-мизми? Бинобарин, хотира

са, бу барча учун ўрناق бўларли ҳодисадир.

9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш кунини фронторти меҳнат фахрий-лари, мустақиллик йиллари-да хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни му-ҳофаза қилиш органлари хо-димлари хотираси олдида ҳам ҳурмат бажо келтириладиган сана ҳисобланади. Уларга, уларнинг оила аъзо-ларига совға-салом улашиш, энг эзгу тилакларни йўллаш давлат ва нодавлат ташки-лотлари, қолаверса, ҳар бир юртдошимизнинг савоб иши бўлиб қолади.

9 май яқинлашгани сари туман, шаҳар, вилоят ва қишлоқларимизда меҳр-оқибат, йўқлов тадбирлари кўпаймоқда. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ноғи-ронлари, мустақиллик йил-ларига Ватан сарҳадлари-ни қўриқлашда жонини фидо қилган юртдошлари-мизнинг оила аъзолари, фарзандларига маҳаллий ҳокимиятлар томонидан гамҳўрлик ва эътибор кўрсати-ляпти.

Буюк Соҳибқирон Амир Темури бобомиз узоқ муддат адолатли сиёсат юритиб, юрт тинчлиги, кишилар фаровонлиги йўлида мисли кўрилмаган муваффақият-ларга эришди. Унинг "Ҳар мамлакатда адолат эшиги-ни очдим", "Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлди", "Бошсиз мамлакат жонсиз тангага ўхшайди", "Бир кунлик адолат юз кун-лик тоат-ибодатдан афзал", "Ҳар неки деган бўлсам, унга амал қилдим", "Ҳеч бир ишда танглик қилмадим",

"Ҳар бир диёр аҳолисидан огоҳ бўлиб турдим", "Яхши-ликларга яхшилик қилдим, ёмонликларни эса ўз ёмон-ликларига топширдим", деган доно сўзлари юрт тинч-лиги гоёсининг мазмун-мо-ҳиятини ташкил этади.

Юрт тинчлиги гоёсини тарғиб-ташвиқ этишда Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳам хизматлари катта бўлган. Унинг ижтимо-ий-сиёсий фаолиятида ва бадий ижодида тинчлик-хотиржамлик, оддий халқ манфаатларини ҳимоялаш, барча халқларнинг ўзаро дўстлиги ва барқарорлиги, ҳамжихатлигига эришиш гоёси алоҳида аҳамиятга эга. Меҳнаткаш аҳолининг асрлар давомида орзу қилиб келаётган "адолатли подшо", "адолатли давлат", "бахтли ўлка", "куёш шаҳри", "озод орол" каби ижтимоий идеаллари кейинчалик та-раққийпарвар мутафаккир-лар асарларидан мустаҳкам ўрин олди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, мавжуд қонунчилик, уларда мамла-кат тинчлиги ва барқарор-лигини таъминлашга қара-тилган қондаларда юрт тинч-лиги гоёсининг ҳуқуқий жи-ҳатлари ўз ифодасини топ-ган. Бу гоё, энг аввало, бар-чамиздан юксак ҳуқуқий ма-даниятни талаб этади. Мам-лакатимизда мустақиллик йилларида ишлаб чиқилган Ўзбекистон ташқи сиёсати-нинг мазмун-моҳиятини ўзида акс эттирувчи ана шу гоёлар туфайли давлатимиз дунё ҳамжамиятида ўз нуфу-зи ва обрў-эътиборига са-зovor бўлди. "Бу сиёсат-нинг асосий маъно-мазмуни, — дейди давлатимиз раҳба-ри Шавкат Мирзиёев, — тинч-ликпарварлик, бошқа дав-латларнинг ички ишларига аралашмаслик, юзага кела-диган зиддият ва қарама-қаршиликларни фақат тинч, сиёсий йўл билан ҳал этиш, барча хорижий давлатлар ва жаҳон ҳамжамияти билан амалий ҳамкорлик қилишдан иборат" ("Буюк келажаги-мизни мард ва олижаноб хал-қимиз билан бирга қура-миз" китобидан).

Хотира ва қадрлаш кунини тинчлик ва хотиржамлик байрами сифатида нишон-ланади. Юртимиз осойиш-та, хонадонларимиз файз, барака ва меҳр-оқибат билан тўла. Бунинг ифодаси сифатида ҳар биримиз уруш қатнашчилари, фронторти меҳнат фахрийлари, мус-тақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизмат-чилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳодимла-ри хотираси олдида ҳурмат бажо келтирамиз. Зеро, тинчликни асраб-авайлаган, уни қадрлаган ва мустаҳкам-лаш учун ўзининг барча им-кониятларини ишга солаёт-ган миллатнинг эртаси пор-лоқ, турмуши ҳамиша фар-вовон бўлади.

**Абдухалил
МАВРУЛОВ,
тарих фанлари
доктори, профессор**

Bilasizmi?

қаришда ноқулайлик туғилаверади. Кейин велосипед сизни эмас, аксинча сиз уни кўтариб кетишингизга тўғри келади. Шундай экан, велосипедга юк ортмаганингиз маъқул. У ўзингизни кўтариб юрганига хурсанд бўлаверинг.

Велосипедларга хос яна бир камчилик минишни энди ўрганган ёки экстремал вазиятларда ўз қобилиятини синаб кўришни хушлайдиган кишиларнинг тез-тез жароҳат орттириши билан боғлиқ. Баъзан шунчаки эътиборсизлик, велосипед тормозининг бирдан ишламай қолиши ёки қутилмаган вазиятдан чиқиб кетиш йўлини тополмай йўқилиш ҳеч гап эмас. Айрим ҳолларда велосипед билан йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлиши ҳам мумкин.

Велотренажёрда ана шу эҳтимолий хавфдан холи бўласиз. Унинг асосий камчилиги — бу қимматлигидир. Албатта, велотренажёрларнинг нархи бозор ўрғанилган ҳолда қўйилади. Шундай бўлса-да, ундан кўра велосипед сотиб олиш осон ва арзонга тушади. Бундан ташқари, қурилманинг доим бир хонада туриши айрим ноқулайликларни юзага келтиради. Масалан, хонани доим бир хил ҳароратда ушлаб туриши қийин: у ё исиб, ё совиб қетади. Натияжада киши ҳолсизланиб, шамоллаб, машғулотларни муддатидан олдин тўхтатишга мажбур бўлади.

Доимий бир хиллик, бир хил манзара велотренажёрда шуғулланувчини зериктиради. Бир жойда узоқ вақт педални айлантириб туриш — ҳаракатдаги ҳаракатсизликдан зериккан одам машғулот қанчалик фойдали бўлмасин, ундан тез безиб қолиши мумкин. Ҳатто ёқимли мусиқа оғушида шуғулланиш ҳам вазиятни ўзгартирмайди. Шу боис мутахассислар велотренажёр қаршига телевизор ўрнатишни ва машғулот пайтида семимли табиат кўйнига сайр этувчи телекўрсатув ёки кино томоша қилишни тавсия этади.

Велосипед ҳайдаб, эрта тонгда тоза ҳаводан тўйиб нафас олиб, хушқайфатда юрсак, асаб толаримиз ҳам шикастланмайди, саломатлигимиз ўз-ўзидан мустаҳкамланади, ҳаётга бўлган меҳримиз, интилишимиз ортади. Албатта, ҳар бир дақиқаси ўлчовли ишбилармонларга велотренажёр қулайроқ. Қисқаси, ушбу маълумотлар икки аjoyиб спорт инвентарининг бири яхши, бири ёмон, деган маънони аңлатмайди. Аслида улардан фойдамини ёки зараримиз учун фойдаланиш ўз қўлимизда. Мухими, уларда спорт билан шуғулланиб, соғлом турмуш тарзига амал қилишимиз учун зарур имконият ва қулайликлар бор.

Ирода ТОШМАТОВА
тайёрлади.

Бугун турмушимизда реаллик ва тасаввур билан боғлиқ нарсаларни истаганча учратишимиз мумкин. Худди табиий ва сунъий маҳсулотлар сингари тарихий нарса-буюмларнинг замонавий шакллари, ривожлантирилган «эгизак»лари пайдо бўляпти. Хусусан, ҳаммамиз билдирган велосипедлар ва велотренажёрни олайлик. Иккиси ҳам бир шаклга, бир хил ишлаш механизмига эга, бироқ велосипед педали айланса, ғилдираги ҳаракатлиниб, маълум масофани босиб ўтади. Тренажёрлар эса ҳеч қаерга силжмайди.



Велосипед ва Велотренажёр:

Рақобатда қай бири устун?

Дарвоқе, келинг аввал икки оғиз велосипедлар хусусида тўхталайлик. 1817 йилда немис профессори барон Карл фон Дрез велосипеднинг илк авлоди бўлган икки ғилдиракли самокат яратган. Ўз ихтиросини «югуриш учун машина» деб номлаган олим унинг келажақда велосипед, машиналар, ҳатто «техника асри» маҳсули бўлмиш велотренажёрларнинг яратилишига асос бўлишни ҳаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Қизиғи, асоси бир бўлган велосипед ва велотренажёр бугунга келиб, рақобатчига айланди.

Велосипед лотинча «тезкор оёқлар» маъносини аңлатади. Уни инсоннинг билан кучи орқали оёқлар билан педални ёки қўл ёрдамида дастакни бошқариши натижасида ҳаракатланадиган ғилдиракли транспорт воситаси, дейиш мумкин. Карл фон Дрез яратган икки ғилдиракли самокат, бир қарашда, педалсиз велосипедни ёдга соларди. Ҳозирги кўринишдаги илк велосипедни эса инглиз ихтирочиси Жон Кемп Старли 1884 йилда ясаган, 1885 йилда омма эътиборига ҳавола этган. У яратган велосипед бир хил ҳажмдаги 2 та ғилдиракли иборат бўлиб, уни бошқариш учун ғилдирақлар ўртасига жойлашиш талаб этилган.

Шундай қилиб, вақт ўтгани сари велосипедлар тақомиллаштириб борилди. Хусусан, 1890 йилларда алюмин, 1895 йилда легирад (ётган ҳолатда ҳайдаш мумкин бўлган) велосипедлар пайдо бўлди. Велосипед ишлаб чиқариш, айниқса, XX аср ўрталарига келиб, анча тараққий этди. Эндиликда велосипеднинг нафақат материали, балки ишлаш тизими ҳамда қулайликлари ҳам бойитилди. 1990 йилларга келиб, уларнинг тезлиги ҳам «ошиди».

Велосипед ихтиро қилиниши бошқа транспорт турлари, жумладан, автомобиль ва самолётларнинг яратилишига ҳам туртки бергани рост. Сабаби велосипед ишлаб чиқаришда қўлланиладиган технологиялар бошқа транспорт воситалари сановатида ҳам қўл келади. Қолаверса, XX аср

да очилган бугунги даврнинг аксарият машҳур автомобиль фирмалари ўз ишини велосипедчиликдан бошлаган.

Велосипед энг камҳарж, «экологик тоза» транспорт воситаси сифатида кенг оммалашган. Кўплаб мамлакатларнинг почта хизматчилари, ҳуқуқ-тартибот хизмати органлари ходимлари XIX аср охирига қадар велосипеддан узоғини яқин қилиш учун фойдаланган. Хайратланарлиси, бу даврда велосипед Лондон ва бошқа шаҳарларда «тез ёрдам» машинаси вазифасини ҳам ўтаган.

Бугун кишилар велосипедда кўпроқ сайр қилади, спорт билан шуғулланади. Жумладан, велопоёғалар дунё бўйлаб минглаб ишқибозларига эга. Қизиғи, велосипеднинг биринчи авлодлари яратилгандаёқ веломусобақалар ўтказилган экан. Аммо ўша вақтдаги бесўнақай велосипедлар анча хавфли бўлиб, уларни минганда тез-тез жароҳатланиш ҳолатлари юз берарди. Шунга қарамай, одамлар завқу шавқ билан мусобақага киришаверганидан ҳаттоки 1890 йилларда кўпкунлик велопоёғаларга ҳам асос солинди. 1903 йилда энг машҳур турнир — «Тур де Франс»нинг илк бахслари бўлиб ўтди.

Велотренажёр эса замонавий қурилма бўлиб, бир қарашда, мустаҳкам асосга кўзгалмас қилиб ўрнатилган велосипедни эслатади. Табиийки, уни уй ёки ҳовлига ўрнатиш мумкин, муҳими, шуғулланишга қулай бўлсин. Ушбу спорт қурилмаси, биринчи навбатда, саломатликка самарали таъсир кўрсатади, иммунитет тизимининг касалликларга қарши курашувчанлигини оширади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, велотренажёрда шуғулланиш вақтида оёқлар ва оёқ мускуллари янада кучлироқ чинқиқиб, бўғимлар ҳаракатчанлиги ортади. Бундан ташқари, жисмоний машқларнинг бу кўриниши пайларни мустаҳкамлаб, нафас ва юрак-қонтомир тизими фаолиятини яхшилайди.

Бугунги кунда велотренажёрларнинг кўплаб турлари


мавжуд. Бу эса танлов имкониятини оширади. Шунга қарамай, уларнинг ҳар бири ўзига хос. Масалан, тикка қилиб ўрнатилган велотренажёрни олайлик, у дунё миқёсида энг оммалашган спорт ускуналаридан биридир. Велосипед минишни хуш кўрадиган, аммо маълум сабаблар билан бунга имкон тополмаётган кишилар учун велосипеднинг ҳалёлий кўриниши — тренажёр айни муддао. Унинг асосий ўзига хослиги шуки, қурилма педалини тик ҳолатда бошқаришдан иборат. Шунда оёқларнинг тик текисликда туриши боис тананинг барча мушаклари ҳаракатга келади.

Велотренажёрларнинг асосан 2 та — механик ҳамда магнитли тури мавжуд. Улар бир-биридан босимни бошқариш шаклига кўра фарқланади. Механик турида босим қўл ёрдамида, магнитлисиди эса оҳанраболаб орқали бошқарилади. Магнитли велотренажёрнинг ўзи ҳам босимни назорат қилишига кўра, тасмалари ҳамда дастали турларга бўлинади.

Шу ўринда савол туғилади: велосипед афзалми ёки велотренажёр?

Велосипед ҳайдаганида, нафас олиш ҳамда юрак-қонтомир тизими фаолияти яхшиланади, шунингдек тоза ҳавода айланиш, кўриш қобилиятини яхшилаш, турли экстремал вазиятларда тўғри ҳаракатланишни ўрганиш, бирор жойга бориб келиш мумкин. Масалан, ҳар кун нон ёки сут маҳсулотлари харид қилиш учун дўконга велосипедда чиқишга одатланган кишиларга бу ҳолатлар яхши таниш. Велосипед ҳайдашга ўрганган одамнинг ўпкаси, нафас олиш йўллари чинқиқади, мияси тиниклашади, кайфияти кўтарилади. Демак, ушбу машғулот фақат тананинг фойдаси учун эмас, балки руҳий мувозанатимиз учун ҳам зарурдир. Ахир бошқа спорт тури билан шуғулланадиганлар муҳим турнирлар арасида беҳиз велосипед миниб, сайр қилмайди.

Велотренажёр эса уй шaroитида жисмоний машғулотлар билан шуғулланиш



нинг энг қулай ва самарали воситаси. Унинг айрим турлари шу даражада ихчам тахланадики, ҳатто энг кичик хонага ҳам сиғдириш мумкин. Эътиборлиси, у қанчалик катта ёки кичик бўлишидан қатъи назар, исталган вазндаги кишини «кўтара олади».

Бугун аксарият Фарб мамлакатларида одамлар велосипед ва велотренажёрлардан ортиқча вазндан халос бўлиш учун ҳам фойдаланмоқда. Ушбу машғулот билан мунтазам шуғулланиб бир ойда ҳам қутилган натижага эришиш мумкин. Ягона шарти шуки, машғулотдан сўнг калорияли таомларни истеъмол қилмаслик керак.

Маълумки, замонавий велотренажёрлар махсус дисплейга эга бўлиб, унда машғулот вақти, тезлиги, қанча километр босиб ўтилгани, шуғулланаётган кишининг пульси ҳамда қанча қувват сарфлаётгани ҳақидаги маълумотлар қайд этиб турилади. Велотренажёрда талаб этиладиган қувват сарфлангандагина организмда ортиқча ёғ тўпланмайди, касалликлар уйғонмайди.

Аниқланишича, велотренажёрда шуғулланаётган одам 30 дақиқада 250 ккал, шунча вақт велосипед ҳайдаганда 220 ккал сарфлайди. Бироқ велосипедда босимни тартибга солиш бироз қийин, велотренажёрда эса буни осонгина амалга ошириш мумкин. Бунинг учун керакли рақам белгилашиб, тартибга солиш тугмаси босилса кифоя.


Мазкур спорт инвентарларида шуғулланиш билан боғлиқ камчиликлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, кучли ёмғир ёғаётганда ҳамда қишда, айниқса, ер яхлаган, аксинча жазирама пайтларда велосипед ҳайдаш кўплаб муаммолар келтириб чиқариши мумкин. Бундай вақтда велосипедни уйда қолдирган маъқул.

Айримлар велосипеддан юк ташишга ҳам фойдаланмоқчи бўлади. Аммо унга босим тушгани сари бош-

2017-yil 22-aprel, № 32 (8993)

ХАВОДАН СУВ ОЛАДИГАН ҚУРИЛМА

Массачусетс технология институти мутахассислари Берклида жойлашган Калифорния университети олимлари билан ҳамкорликда саҳрода адашиб қолганлар учун мустақил олиб юриш мумкин бўлган сув генераторларини яратди. Улар куёш нуридан фойдаланиб, ҳаводан сув оладиган қурилмани ўйлаб топди.



Тадқиқотчилар фикрича, янги мослама саҳрода қаттиқ говак шаклланади.

Мазкур жараёнда сув бугини боғловчи циркон ва адинин кислотали бирикмалар танланди. Олимлар майда кристаллардан иборат бирикмаларни гелиоқурилма (куёш энергиясидан фойдаланиш қурилмаси) орасига жойлаштирди.

Ҳаво металлорганик материалга ўтганда, сув молекулалари тешикларнинг ички юзасига ёпишиб олади. Куёш бирикмаларни қиздиради, натижада сув буги уларни конденсатор томон ҳайдайди. Ҳосил бўлган суюқлик коллекторда йиғилади ва истеъмолга яроқли ҳолга келади.

Мослама ҳаво намлиги 20 фоиздан ошмаган ҳолатда бемалол сув ҳосил қила олади. У саҳрода адашиб қолган одамларнинг чанқолини кондириш, туман пайти сув танқислигининг олдини олиш, умуман, қурғоқчиликдан азият чекаётганларга ёрдам беришда аҳамиятлидир.

йўлини йўқотган одамларга то йўлни топгунча ташналигини қондириши ва омон қолиши учун ёрдам беради.


"Science Alert" нашрида маълум қилинишича, қурилма асосини куёшли харвестор (Solar powered harvester) металлорганик бирикма(МОС)си ташкил этади. Бунга металллардан ташкил топган магний ва алюминий ҳамда органик молекулаларни мисол қилиш мумкин. Бу материал таркибида газлар ва суюқлик сақлай оладиган



ҚАДИМГИ ВИРУС ДОНАЧАЛАРИ ТОПИЛДИ

АҚШ ва Буюк Британия олимлари бир қанча маймун ва одам ДНКсидан қадимги ретровирус — «HERV-T»ни аниқлади. Вируснинг йўқолиб кетишига олиб келган омилар ҳам мазкур жараёнда аён бўлди. Илмий изланиш ҳақидаги мақола «Life» журналида берилган.

«Gizmodo» манбасида келтирилишича, ретровируслар инфекция ташувчи бўлиб, ўз ДНКсини зарарланган ҳужайра хромасомаларига жойлаштириш хусусиятига эга. Агар улар жинсий ҳужайраларни ҳосил қилувчи генотипларга жойлашиб олса, вирус гени наслдан наслга ўтиши мумкин. Бундай ҳолатлар турли хилдаги ҳайвонларнинг ўзаро муносабатида кузатилади. Шунингдек, агар бегона ДНК аломатлари у ёки бу турда одамсимон маймунларнинг барчасида топиладиган бўлса, демек, аждодларидан бири айнан шу вирусни юқтириб олган бўлади. Уни ўрганиб, инфекция ташувчининг тахминий ёшини аниқлаш мумкин.



Олимлар ушбу ретровирусдан азият чеккан бонобо (pan paniscus), гиббон (hylobates) ва бошқа маймунлардаги геномларнинг HERV-T билан боғлиқ ДНКсидаги ўзгаришларни таққослаб, таҳлил қилди. Турли хил мутацияларнинг тахминий пайдо бўлиш тезлиги аниқлангач, аён бўлдики, вирус 30—40 миллион йил илгари пайдо бўлган.

Мутахассислар ДНКсида вирус топилган инсон организмидаги оқсилни қайта тиклади. У капсид(вирус ташқи қопламаси)нинг маълум қисми бўлиб, ҳужайраларга ўтиш омиларидан биридир. Лекин хромасомадаги геннинг асосий вазифаси организм ҳужайрасининг нимжон қисмлари учун рецепторларни боғловчи оқсил ишлаб чиқариш бўлган. Бу рецепторлар молекулалар қулфининг калитлари ҳисобланади.

Гап шундаки, ичкарига киришга ҳаракат қилаётган «HERV-T» ўзгарган оқсилга тўсқинлик қилади. Олимлар айнан шу жараён вируснинг бундан 10 миллион йил илгари йўқолиб кетишига сабаб бўлган, дея фикр юритмоқда.

ЗАЙТУН ЁҒИ СОҒЛИҚҚА ФОЙДАЛИ

Чили университети тиббиёт ходимлари хорижлик ҳамкасблари билан биргаликда зайтун ёғининг янги фойдали хусусиятини аниқлади. Тадқиқот натижалари «Lipids in health and Disease» журналида эълон қилинди.

Мутахассисларнинг фикрича, зайтун ёғи таркибидаги гидрокситирозол моддаси ҳайвон ёғидан тайёрланган таомларни ҳаддан зиёд истеъмол қилиш туфайли кузатиладиган салбий таъсирларни камайтиради. Хусусан, у антиоксидантлик хусусиятига эга бўлиб, жигар, юрак ва мия фаолиятини жомоялайди. Инсон организми учун зайтун ёғининг яна бир муҳим жиҳати шуки, у узун замири ярим тўйинган ёғ кислоталарининг синтезланиши ва қон томirlарининг соғлом фаолият юритишида катта аҳамиятга эга.



Олимларнинг бундай хулоса чиқаришига сичқонларда ўтказилган тажриба натижалари асос бўлди. Кемирувчилар тўрт гуруҳга бўлиниб, улардан бир гуруҳи фақатгина зайтун ва ҳайвон ёғи қоришган маҳсулотлар билан озиклантирилган. 12 ҳафталик парҳездан сўнг ҳайвонлар териси ва қонидад намуна олинган. Таҳлил натижаларига кўра, фақатгина зайтун ва ҳайвон ёғи қоришигидан тайёрланган озукларни истеъмол қилган сичқонларнинг қонида бошқаларига қараганда холестерин миқдори ошмагани аниқланди.

Мутахассислар кемирувчилар билан боғлиқ тажриба натижалари инсон организмида ҳам ўз аксини топишга шубҳа қилмаяпти. Шу боис айни дамда улар саломатлиги учун қайғурадиган одамларга овқатланиш вақтида таркибида гидрокситирозол моддаси мавжуд маҳсулотлардан фойдаланишни тавсия этмоқда.

ЮГУРИШ УМРНИ УЗАЙТИРАДИ

Америкалик шифокорларнинг аниқлашича, югуриш билан мунтазам шугулланиш инсон ёшига ёш қўшади. «Progress in Cardiovascular Diseases» журналида берилган мақолада ўртача 40 йил давомида ҳафтасига 2 соат югуриш билан шугулланган одам ўртача умр кўриш ёшидан 2,8—3,2 йил узокроқ яшashi таъкидланган.

«The New York Times» нашрида келтирилишича, югуриш билан доимий шугулланиш 25—40 фоиз бевақт ўлимнинг олдини олади. Ҳатто тамаки маҳсулотлари, спиртли ичимликларни истеъмол қилувчилар ва ортика вазн эгалари ҳам югуриш билан шугулланса, шундай ижобий кўрсаткичга эга бўлиши мумкин.



Тадқиқотчилар ўз илмий қарашлари тасдиғини америкаликларнинг ўрта қатлами турмуш тарзи мисолида кўрган. Шунга қарамай, мутахассислар югуриш нима сабабдан умрни узайтиришига аниқлик киритмаган.

Тиббий фаразлар шунга тасдиқлайдики, жисмоний фаоллик организмга аэробик юклама беради ва натижада узок умр кўришга замин яратилади.

ЎзДЖТУ талабаси Дилноза Жўраева тайёрлади.

Ҳурматли аниқ ва табиий фанлар ўқитувчилари!

Республика таълим маркази муассислигида «Aniq va tabiiy fanlar metodikasi» илмий-педагогик, методик журнали таъсис этилди. Журнал 2017 йил май ойидан бошлаб ҳар ойда бир маротаба ўзбек ва рус тилларида чоп этилади.

Журналда:

➢ ДТС ва ўқув дастурлари талабларидан келиб чиққан ҳолда халқ таълимнинг барча турдаги таълим муассасаларида ўқитиладиган кимё, биология, физика, география, иқтисодий билим асослари, чизмачилик, математика, информатика фанларини ўқитишнинг илғор методлари — замонавий педагогик технология, интерфаол усуллар ва соҳадаги халқаро тажрибалар;

➢ умумий ўрта таълим муассасаларида мазкур фанлардан янги таҳрирдаги ўқув дастурларини амалиётга жорий этишга оид методик тавсиялар, дарс ишланмалари ва таҳлилий мақолалар, технологик харита ва экология соҳасидаги янгиликлар, илмий изланишлар ҳақидаги маълумотлар, илғор иш таърибалари;

➢ асрлар давомида шаклланган, бой тарихий, маданий-маънавий меросимиз намуналари, ўқувчиларнинг

иқтидорларини эрта аниқлаш, кашф этиш ва ривожлантиришда аниқ ва табиий фанларнинг таълимдаги алоҳида ўрни ва аҳамияти ҳақида илмий-аналитик, таҳлилий материаллар;

➢ мазкур фанларни ўқитишда янги дарслик ва ўқув қўлланмалари билан ишлаш бўйича ахборот, ДТС бажарилиши мониторинги ва коррекциялаш ишларини олиб бориш ҳақида ҳамда қундалик ҳаётимиз, теварак-атроф, табиат ҳодисалари, фан-техника, технологияларнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қўлланиши бўйича ўқитувчиларга янги маълумотлар бериб борилади.

Журналга обунани «Ўзбекистон почтаси» АЖ, «Матбуот тарқатувчи» АҚнинг ҳудудлардаги бўлимларида амалга оширишингиз мумкин.

Обуна индекси: 1296.

Журналда ўз мақолаларингиз, дарс ишланмаларингиз, илғор таърибаларингиз билан фаол иштирок этишингиз мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Фуркат кўчаси, 174-уй.

Республика таълим маркази

Республика таълим маркази жамоаси Филология фанлари бўлими бош методисти Г.Зиёдуллаевага акаси

Абдуғаффор ШАМСИЕВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Республика таълим маркази жамоаси Назорат-таҳлил бўлими бош методисти М.Худоевга отаси

Мурод КОДИРОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси университет ахборот хизмати бошлиғи Тўлқин Эшбековга акаси

Рустам УСМОНОВнинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Bir bor ekan, bir yo'q ekan. Ertaklar mamlakatida bir ayyor ilon bo'lib, uning qoshida hatto tulki ham ip esholmas ekan. Ilonning dovrug'ini eshitgan o'rmon podshosi uni xizmatga olibdi. Shu kundan boshlab ilon sodda hayvonlarni tuzog'iga ilintirib, sherning luqmasiga aylantirishni o'ziga kasb qilibdi. Sher ham uning xizmatini munosib taqdirlab turardi. Ilon esa sherga yanada yoqish va uning ishonchini qozonish uchun tun-u kun tinim bilmay sudralardi.

Kunlarning birida sher og'ir dardga chalinib qolibdi. O'rmon tabirlari bu dardga toshbaqa go'shti davo ekanini aytilarlari bilanoq, sher darrov ilonni yo'qlabdi:

— Sinalgan xizmatkorim bo'lganing uchun toshbaqa go'shtini topib kelishni senga yuklamoqchiman. Buni boshqa birortasiga ishonsam, u meni aldab, baqa yo quyon go'shtini toshbaqaniki deb keltirishidan xavotirdaman. Betoblikda har kim keltirgan yemakni yeyish oqlardan bo'lmas, dard ustiga chipqon bo'lishi hech gapmas.

— Ishonchingiz uchun tashakkur, o'rmonpanohim. Juda to'g'ri qaror qabul qilibsiz. Axir, bu o'rmonda o'zini sizga do'st tutib, aslida o'limingizni kutib yurganlar ham bor. Paytdan foydalanib kasalga uchragan biror hayvonning go'shtini keltirishdan ham to'yishmaydi. Ulardan har laha ehtiyot bo'lganingiz yaxshi, — deya sherning gapini ma'qullagan ilon yo'lga tushibdi.


U o'rmon ichkarisida toshbaqalar yashashidan xabardor ekan. Ilon ularning makoniga borgach, bittayarimtas yolg'iz sayrga chiqishini poylabdi. Hamisha biror hayvonning joniga qasd qilmoqchi bo'lsa, u shunday yo'l tutardi. Ayyor ilon hayvonlar ham odamlar kabi birlashganda kuchli, yolg'izlikda o'jiz bo'lishini yaxshi bilarkan. Bir muddat o'tib, yolg'iz bir toshbaqacha o'tlar orasidan chiqib, u tomonga

AYYOR ILON VA TOSHBAQA

(Ertak)

o'rmalab kelaveribdi. "Barragina toshbaqa go'shti. Sher uning uchun yaxshigina mukofot berishi aniq" xayolidan o'tkazib, shirin tamshanibdi ayyor ovchi. Toshbaqa yoqinlashgach, xursandligini yashirolmagan ilon unga peshvoz chiqibdi:

— Ey toshbaqa, men po'stimni tashlab, yangilash uchun yo'lga otlanganman. Qara, po'stlarim eskirib




tarovatini yo'qotib bormoqda. Uni yangilaganimdan keyin ko'rsang, butunlay boshqacha tus olaman. Yangi po'stinim quyosh nurida oltindek yaraqlab, ko'zlarni qamashtiradi. Agar istasang, seni ham birga olib ketishim mumkin. Rangi uniqib ketgan manavi toshkosangni yangilab olarding. Hali sen uni biror marta ham yangilamagan bo'lsang kerak. Yangisi bundan yuz marta yaxshi va chiroyli bo'lishi aniq. Ham yengil, bunday sudralib yurmaysan, shamoldek uchasan. Hamroh bo'lsang, sira afsus qilmaysan. Ajoyib va g'aroyib hikoyalar aytib aslo zerikirmayman.

Yosh toshbaqa hali uyidan hech uzoqlashmagan ekan, ilon bilan safarga chiqib dunyoni tomosha qilgisi kelibdi. Ketishga roziligini, ammo safarga

chiqishdan oldin bundan onasini baxabar etishi lozimligini aytibdi.

— Onangdan so'rab o'tirish shart emas. U seni yangi toshkosada ko'rsa, so'ramasdan ketganing uchun ko'yib o'tirmaydi, aksincha, o'zing bilib uni yangilaganing uchun xursand bo'ladi. Buning ustiga biz uzoqqa ketayotganimiz yo'q. Quyosh botmay



qaytamiz. Onangning yoniga boraman, deb vaqtini yo'qotmaganing ma'qul. Tezroq safarga atlanaylik, — toshbaqaning ikkilanayotganini ko'rib, atrofga alanglab yana davom etibdi. — Borging kelmayotgan bo'lsa, o'zingma boshqa hamroh topishim mumkin. Men bilan safarga chiqishga har qanday toshbaqa jon deb rozi bo'ladi.

Sodda toshbaqa ilonning shirin yolg'onlariga ishonib, dunyoni ko'rish va toshkosasini yangilash umidida hech kimga bildirmay jo'nashga rozi bo'libdi. Ilon va'da qilganidek yo'l bo'yi unga ajoyib va g'aroyib, ammo haqiqatga

sira to'g'ri kelmaydigan hikoyalarni so'zlay ketibdi. Toshbaqa bunday yolg'on safsatalarni hech kimdan eshitmagani uchun qiziqib tinglabdi. Ular sher qarorgohiga yetay deyshgandida yosh toshbaqaning baxtiga yo'llaridan ko'pni ko'rgan, ilonning kirdikorlaridan xabardor qari toshbaqa chiqib qolibdi. U ko'pdan buyon hayvonlariga qiron keltirib yurgani uchun ilonni yo'qotish rejalarini o'ylab yurgan ekan. Paytdan foydalanib, rejasini amalga oshirishga oshiqibdi. Ular o'rmasida mislsiz va murosasiz jang qizibdi. Toshbaqa raqibi hujumga o'tganida darrov boshini toshkosasi ichiga olar, shu sabab ilon unga zarar keltirilmas ekan. Ancha vaqt ikkisi olishgach, toshbaqa ilonning boshini yanchibdi. Shunday qilib do'stlari uchun ilondan o'ch olibdi. So'ng yosh va sodda kichik toshbaqaga qarab:

— Bu aldoqchi firibgar bilan nima qilib yurganding? Hatto yirtqich bo'rilar ham o'z hadlarini bilib kasal hayvonlarni yeydi. Bu bo'lsa sherning ko'ngli tusadi deb, har kuni hayvonlarni aldab tuzog'iga ilintirib, ularga qiron keltirmoqda. Hoynahoy, seni ham sherga yemak uchun olib ketayotgan bo'lsa kerak, — debdi.

Yosh toshbaqa toshkosasini yangilashni juda istaganidan u bilan safarga chiqqanini aytibdi.

— Buni qara-ya, toshbaqalar ham kosasini yangilamish. U seni shunday deb aldadimi? Nahotki, kattalar bu haqda seni ogohlantirmagan bo'lsa. Ota-onang senga toshbaqalar hayotining ipidan-ignasigacha o'rgatishlari kerak edi. Ammo o'zingda ham ayb bor. Safarga chiqmoqchi ekansan, kattalarning ruxsatini olsang bo'lmasmidi? Taqdir meni senga ro'para qilmaganida hozir sherning panjasiga tushgan bo'larding. U yerdan seni hech kimsa, hatto ota-onang ham qutqara olmasdi, — xalaskor toshbaqa shunday deb yosh toshbaqani uyigacha kuzatib qo'yibdi.

Aziz bolajonlar, bu qissa-ertagimizdan o'zingiz uchun albatta xulosa chiqarib olasiz, deb o'ylayman.

Hidoyat OLIMOVA

TUXUMBOY BILAN BUYRAKBOY

Bor ekan-da yo'q ekan, och ekan-da to'q ekan, Tuxumboy bilan Buyrakboy bo'lgan ekan. Ikki do'st bo'lib, kunlardan bir kun o'tingacha chiqibdi. O'tingacha chiqqanda, ikkovi bir-biriga "Kurashamiz, qaysimiz yiqitsak, yiqilganimizni yeb qo'yamiz", — deb kelishibdi. Ko'p kurashib, Tuxumboy Buyrakboyga yiqitib, yeb qo'yibdi.

Keyin Tuxumboy yo'lga chiqib ketaveribdi. Ketayotsa, bir qarg'a "qag", "qag" etibdi.

— Hoy qarg'a, qag'illay-verma, yeb qo'yaman, — debdi Tuxumboy.

Qarg'a: — Yeyolmaysan, — debdi Tuxumboy.

— Bilqillagan buyrak yedim, Seni yemay nimani yeyman, — deb yeb qo'yibdi.

Keyin yana ketaveribdi. Ketaveribdi, ketaveribdi. Bir vaqt bir uloq jar boshida "ma", "ma", deb ma'rayveribdi.

— Hoy uloq, ma'rayverma, yeb qo'yaman, — debdi Tuxumboy.

— Hey, yeyolmaysan, — debdi uloq.

Tuxumboy:

— Bilqillagan buyrak yedim, Qag'illagan qarg'a yedim, Seni yemay nimani yeyman, — deb yeb qo'yibdi. Tuxumboy yana ketaveribdi. Oldidan qulunli biya kishnab chiqibdi.

— Hoy biya, kishnayverma, yeb qo'yaman, — debdi Tuxumboy.

— Bir tepaman, yorilib ketasan, — debdi biya.

Tuxumboy:

— Bilqillagan buyrak yedim, Qag'illagan qarg'a yedim, Jar boshida uloq yedim, Seni yemay nimani yeyman, — deb yeb qo'yibdi. Tuxumboy yana ketaveribdi. Oldidan bo'kirib bo'tali tuya chiqibdi.

— Hoy tuya, bo'kiraverma,

yeb qo'yaman, — debdi Tuxumboy.

— Bir bosaman, paq etib

O'zbek xalq ertagi

yorilib ketasan, — debdi tuya.

Tuxumboy:

— Bilqillagan buyrak yedim, Qag'illagan qarg'a yedim, Jar boshida uloq yedim, Qulunli biya yedim, Seni yemay nimani yeyman, — deb tuya bilan bo'taloqni yeb qo'yibdi. Tuxumboy yana ketaveribdi. Oldidan kashta fikib o'tirgan bir to'da qizlar chiqibdi.

— Hoy qizlar, kashta tikmanglar, yeb qo'yaman, — debdi Tuxumboy.

Qizlar:

— Hozir ignamizni suqib olamiz yorilib ketasan, — deyishibdi.

Tuxumboy:

— Bilqillagan buyrak yedim, Qag'illagan qarg'a yedim,

Jar boshida uloq yedim, Qulunli biya yedim, Bo'tali tuya yedim, Sizlarni yemay nimani yeyman, — deb qizlarniyam yeb qo'yibdi.

Tuxumboy yana ketaveribdi. Oldidan bir to'p oshiq o'ynayotgan o'g'il bolalar chiqibdi.

— Hoy bolalar, oshiq o'ynamanglar, yeb qo'yaman, — debdi Tuxumboy.

Bolalar:

— Hozir oshig'imiz bilan bir uramiz, yorilib ketasan, — deyishibdi.

Tuxumboy:

— Bilqillagan buyrak yedim, Qag'illagan qarg'a yedim, Jar boshida uloq yedim, Qulunli biya yedim, Bo'tali tuya yedim, Bir to'da qizlarni yedim, Sizlarni yemay nimani yeyman, — deb o'g'il bolalarniyam yeb qo'yibdi.

Tuxumboy yana ketaveribdi, Ketaveribdi. Charchab, holdan toyib, bir chaylaning ustidan chiqibdi. Chaylaning ichiga kirib qarasa, qaddi bukchaygan, quloqlari tikraygan, jag'ining go'shti qochgan bir Maston kampir o'tirganmish.

Tuxumboy:

— Assalomu alaykum! — deb kirib boribdi. Kampir alik olib:

— Assalomu alaykum! — deb kirib boribdi. Kampir alik olib:

Kel o'g'lim! — debdi.

— Bilqillagan buyrak yedim,

Qag'illagan qarg'a yedim,

Jar boshida uloq yedim,

Qulunli biya yedim,

Bo'tali tuya yedim,

Bir to'da qizlarni yedim,

Bir to'p o'g'illarni yedim,

Ena, juda chanqadim, choy

qaynatib ber, men choy

qaynaguncha bir dam olay, keyin

seniyam yeyman, — deb

Tuxumboy qiyshayib uyugaga

ketibdi.

Kampir choydosh qo'yib,

olovga otashkurakni ham

suqib qo'yibdi. Otashku-

rakning uchi qip-qizil bo'l-

gandan keyin olib kelib

Tuxumboyning ketiga bosibdi.

Tuxumboy "paq" etib yorilib

ketibdi. Tuxumboyning ichidan

ko'p o'g'illar, ko'p qizlar,

bo'tali tuya, qulunli biya, jar

boshidagi uloq, qag'illagan

qarg'a, bilqillagan buyrak

chiqib, kampir ulli, qizli, tuyali,

biyal, uloqli, qarg'ali bo'lib,

buyrakni ham o'g'il qilib,

hammasi birgalikda murud-

maqadiga yetishibdi.

Aytuvchi: Abdug'ani

TURDIMUROD o'g'li.

Yozib oluvchi va nashrga

tayyorlovchi: Shomirza

TURDIMOV.

2017-yil 22-aprel, № 32 (8993)

«Сара гулларимиз — спортчиларга»

— дейишмоқда Жиззахлик коллеж ўқувчилари

Хабарингиз бор, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтадиган «Баркамол авлод—2017» спорт мусобақаларининг республика босқичига Жиззах шаҳри мезбонлик қилади.

Вилоят аҳолиси учун мазкур спорт байрами бегона эмас, албатта. Боиси, «Баркамол авлод» мусобақаларининг биринчиси 2001 йили айнан Жиззах вилоятида ўтган ва унда спортнинг 8 тури бўйича 1 минг 540 ўқувчи иштирок этганди.

Жиззахда бу галги нуфузли тадбирга ҳам пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Спорт мусобақаларини ўтказиш вилоят штаби аниқ режа асосида иш олиб бораёпти. Мусобақалар асосан Жиззах олимпия захиралари коллежининг

спорт иншооти, Жиззах политехника институтининг футбол майдони ҳамда институт қошидаги академик лицей спорт залида ва «Сўғдиёна» спорт мажмуасида бўлиб ўтади. Шу муносабат билан мазкур объектлар атрофи ободонлаштирилиб, йўллар, йўлакчалар асфальт қилинмоқда. Албатта, бундай бунёдкорлик ишларига таълим муассасалари ходимларию ўқувчи ёшлари ҳам ўз ҳиссасини қўшаяпти.


Бундан ташқари, спортнинг гандбол, стол тенниси,

волейбол, таэквондо, дзюдо, эркин кураш, юнон-рум кураши, бадминтон, теннис, оғир атлетика турлари бўйича мусобақалар ўтказиладиган Жиззах олимпия захиралари коллежи катта спорт залида, сузиш ҳавзасида, гимнастика зали ва ошхонасида қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етиб қолди.

Жиззах политехника институту стадиони, шу институт қошидаги академик лицейнинг спорт зали мусобақага шай ҳолатга келтирилди. Мусобақа иштирокчилари жойлаштириладиган касб-хунар коллежлари ётоқхона ва ошхоналарини тайёрлаш ишлари ҳам нихояланмоқда.

Шунингдек, 1 академик лицей ва 5 касб-хунар коллежида катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари давом этаёпти. Спорт иншоотлари моддий-техник базасини замон талаблари даражасига етказишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Спортчилар учун вилоят марказининг диққатга сазовор жойларига саёҳат уюштириш, маданий-матрифей тадбирлар ташкил этишга алоҳида ургу берилган. Мусобақа қатнашчиларининг адиллар, хонандалар, актёрлар ва машҳур спортчилар



ЎЗА суратлари.

билан учрашувлари ҳам режалаштирилган. Қолаверса, вилоят мусикали драма театри, «Ёшлар маркази», Жиззах санъат коллежининг томоша заллари ва сахналари замонавий жиҳозланмоқда.

Шу ўринда яна бир янгилик эътиборимизни тортди. Жиззах шаҳар уй-жой ва коммунал хўжалик касб-хунар коллежи жамоаси улкан спорт байрами қатнашчилари учун ажойиб совға тайёрлаётган экан. Гап шундаки, муассаса ҳудудида февраль ойида 4,5 сотихдан иборат иссиқхона барпо этилган. Иссиқхонада тўққиз хилдаги гуллар экиб, парвариш қилинмоқда. Бунинг учун «Воҳа гуллари» МЧЖ билан шартнома тузилган бўлиб, мутахассислар билан биргаликда гуллар ўстирилаяпти.

— Иссиқхонимиз ер майдонига 1200 дона гул эдик, — деди муассаса директори Бахтиёр Ибодов. — Манзарали анвоий гул кўчатлари-

ни кўчаларга кўчириб ўтказиш аллақачон бошланган. Мақсадимиз — спорт мусобақалари ўтадиган иншоотлар атрофи ва кўчаларни гулзорга айлантириш. Ўқувчи-ёшларимиз юртимизнинг турли вилоятларидан келадиган тенгдошларини ана шундай кўтаринки руҳда кутиб олишмоқчи. Қолаверса, гуллар ҳар қандай байрамнинг беағидар.

Иссиқхона гулларини парваришlash жараёнига коллежининг шаҳар қурилиши ва хўжалиги тайёрлов йўналиши ўқувчилари фаол жалб этилган. Ободонлаштириш объектларидан фойдаланиш, таъмирлаш ва боғ, парк қурилиши техниги гуруҳининг 20 нафар ўқувчиси ҳам амалиётни бевосита гулзорда ўтказди. Ҳозир ўқувчилар экан гуллар Жиззах шаҳрининг кўча ва хиёбонларига ўзгача кўрк ва тароват бахш этмоқда.

Абдусаттор СОДИКОВ,
«Ma'rifat» мухбири



ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ РУМИНИЯГА ЙЎЛ ОЛДИ

Руминиянинг Ясси шаҳрида 21 апрель — 1 май кунлари шахмат бўйича мактаб ўқувчилари ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати ўтказилади. Кеча мазкур нуфузли мусобақада иштирок этиш учун ёш шахматчиларимиз Руминияга жўнаб кетишди.

Иқтидорли шахматчиларимиз жамоасига Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси мураббийи, тажрибали мутахассис Маматқул Хайлаев бошлик қилади.

Жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини куйидаги шахматчилар ҳимоя қилади:

Нодирбек Ёқуббоев (рейтинги — 2427, 15 ёшгача) — Ҳазорасп туманидаги 5-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

Алихон Авазхонов (1735, 9 ёшгача) — Миробод туманидаги 94-мактабнинг 1-синф ўқувчиси.

Ҳумоюн Бекмуродов (СМ, 1577, 7 ёшгача) — Юнусобод туманидаги 154-МТМ тарбияланувчиси.

Афрўза Ҳамдамова (WСМ, 1449, 9 ёшгача) — Самарқанд шаҳридаги 42-мактабнинг 1-синф ўқувчиси.

Одина Олимова (WСМ, 1308, 9 ёшгача) — Сергели туманидаги 284-мактабнинг 1-синф ўқувчиси.

Стандарт ва блиц йўналишларида медаллар жамланмаса йўналидиган ушбу мусобақадан вакилларимиз ажойиб ютуқларга эришиб, халқимиз, спортсевар юртдошларимиз олдидан яна бир карра юзи ёруғ бўлишга ишонамиз.

Хусан НИШОНОВ

Аввал хабар қилганимиздек, пойтахтимиз бадий гимнастика бўйича икки нуфузли мусобақа — Жаҳон кубоги босқичи ва «Нарру Caravan — 2017» халқаро турнирига мезбонлик қилмоқда.

Мазкур мусобақаларда гимнастикачилар яққалик ва ғуруҳ баҳсларида кўпкураш ва алоҳида гимнастика предметлари ёрдамида машқ бажариш бўйича синовдан ўтмоқда. Спортчи қизларнинг чиқишлари, гиламдаги энгил, чаққон

Шунингдек, кеча бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи баҳслари ҳам бошланди. Унда Ўзбекистон, Арманистон, Австралия, АҚШ, Беларусь, Болгария, Грузия, Индонезия, Испания, Исроил, Латвия, Россия, Таиланд,

Нафосат мусобақаси ҚИЗГИН ПАЛЛАДА

ва нозик ҳаракатлари томошабинларга завқ бағишлабгина қолмай, спорт, айниқса бадий гимнастика жисмоний ва маънавий тарбия воситаси эканини яна бир карра намоён этди.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Нарру Caravan» халқаро турнирида иштирок этган ёш спортчиларимиз ўз маҳорати ва иқтидорини кўрсатиб, жамоавий кўпкурашда жами 58.7 балл тўплади ҳамда шохсупанин учинчи поғонасидан жой олди. Айтиш жоизки, Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан Диёра Бурхонхўжаева, Тахмина Икромова ҳамда Севинч Турдиеваннинг ҳалқа, тўп, булава ва тасма билан машқ бажариш маҳорати мутахассислар томонидан эътироф этилди. Биринчи ва иккинчи ўринларни Россия ва Қозоғистон жамоаси вакиллари банд этди.

Алоҳида гимнастика предметлари ёрдамида машқ бажариш бўйича кечган мусобақада ҳам россиялик гимнастикачилар галаба қозонди.



Украина, Финляндия, Швейцария, Эстония, Япония, Қозоғистон сингари дунёнинг 20 га яқин мамлакатидан тўқсондан ортиқ спортчи қатнашмоқда.

Жаҳон кубоги босқичи эртага яқунланади.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Бурхон РИЗОҚУЛОВ сурати.

Обод юртининг ораста қизлари

танловнинг якуний босқичида ўз маҳоратини намойиш этишди

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумтаълим мактаблари ўқувчи-қизлари ўртасида ташкил этилган "Ораста қизлар" республика кўрик-танловининг бу йилги якуний босқичи пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги 144-мактабда бўлиб ўтди.

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

Халқ таълими вазирлиги томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, "Оила" илмий-амалий маркази ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу танловнинг якуний босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан жами 14 нафар умумтаълим мактабларининг 8—9-синф ўқувчи қизлари ўз билим ва маҳоратини намойиш этишди.

Миллий либослари ўзларига ярашган, сочлари иккита қилиб ўрилиб, ироқи дўппи кийган иштирокчи қизлар 1-шартада 5 дақиқа давомида ўзларини таништириб, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишга бўлган муносабатини намунавий кўринишлар орқали акс эттирди. 2-шартада эса ҳар бир иштирокчи 3 тадан саволга жавоб бериш орқали ўз зукколигини намойиш этди.

— Кўрик-танловнинг йилдан-йилга оммалашаётганини худудий босқичда иштирок этишни истаётган қизларнинг кўпчилигидан ҳам билиш мумкин, — дейди Халқ таълими вазирлигининг маънавий-ахлоқий тарбия бўлими етакчи мутахассиси Лазоқат Муҳитдинова. — Бугунги танловда иштирок этаётган қизлар эса тўғарақда олаётган билимларини тенгдошларига етказувчи тарғиботчи ҳамдир. Бугун барча худудлардан келган қизлар бир-биридан ўрганиб, бир-бирига ўргатиб ўз маҳоратини кўрсатишди. Оддийгина саломлашишдан тортиб, меҳмондорчиликда ўзини қандай тутишгача ўргатуви тўғарак машғулоти бугун қизларга асқотгани кўриниб турибди.

3-шартада ораста қизлар учун ўз иқтидорини кўрсатишга катта имкон яратилди. Эркин мавзу бўлгани учун бу шартада қизларнинг бири қўшиқ айтса, бошқаси рақсга тушди. Яна



бири шеърни ифодали тарзда айтиб, барчани хайратга солди.

— Танловга тайёрланиш жараёнида ўзим учун келажақда керак бўладиган кўп нарсани ўргандим, — дейди Ғиждувон туманидаги 5-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Маликахон Самадова. — Айниқса, савол-жавоб шартига тайёргарлик кўриш мобайнида устозларим билан кўпгина адабиётларни топиб, ўқиб чиқдим. Ўзим санъатга қизиқаман. Драма ва рақс тўғараги азъосиман. Шунинг учун 3-шартада Ўткир Хошимовнинг "Дунёнинг ишлари" асаридаги "Илтижо" парчасини ижро этиб бердим. Танловда иштирок этишимда мактабдаги "Ораста қизлар" тўғараги ва устозимиз Адолат Ёрқулованинг хиссаси катта.

Танлов натижаларига кўра, 1-ўрин Қорақалпоғистон республикаси Кегейли туманидаги 5-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Гулжамол Бозорбоевага, 2-ўрин Самарқанд шаҳридаги 13-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Гулнор Ғадоққуловага ва 3-ўрин Ғиждувон туманидаги 5-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Маликахон Самадовага насиб этди.

Ғолиб ва номинатиялар бўйича тақдирланган қизларга Халқ таълими вазирлигининг диплом ҳамда совғалари топширилди. Шунингдек, иштирокчи қизларга ҳамкор ташкилотлар томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Чарос ЁҚУБОВА
В.ГРАНКИН олган сурат.

Санъат — пенсия мўъжиза

Чинакам санъатдан баҳра олмаган киши гўзаллик, нафосат ҳақида тўлқинлиб гапиришга қодир эмас. Асил сурат қаршида фикру ҳаёлларингга тартиб бермоқ, асил кўйдан завқу шавқ топмоқ, ҳайкал рўпарасида туриб тарихнинг залворини сезмоқ, нақиллар замирида акс этган олам-олам мазмунини ўқимоқ — барчаси санъат моҳиятини тушуноқ ҳикматиدير.

Ўзбекистон Бадий академияси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказилаётган тасвирий ва амалий санъат фестивали турли кўрғазма, ижодий мулоқотлар, маҳорат сабоқлари, учрашувларга бой

ўтмоқда. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан ташкил этилган мазкур фестивал юртимизда миллий тасвирий санъатни янада раванок топтириш, унинг бетакдор мактаб ва аъналарини



бойитиб бориш, ижодкор ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашни назарда тутган.

Тасвирий ва амалий санъат фестивалида моҳир мўйқалам соҳиблари билан бирга талабалар, тасвирий санъатга иштиёқи баланд ёшлар ҳам ўз ижод намуналарини билан қатнашмоқда.

— "Уч оғайни ботирлар" эртагига миниатюра ишлаяпман, — дейди Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси Бахтиёр Дедашов. — Одатда, миниатюра чизишда

асарнинг кульминацион нуқтаси танлаб олинади. Мисол учун, ўртанча ботирнинг шер билан олишув саҳнасини тасвирлаш. Бунда ранглар ҳам гапириши шарт. Чунки ранглар — образ руҳиятини акс эттирибгина қолмай, рассомнинг сўзлари ҳамдир. Шунга кўра, ўртанча ботирни ёрқинроқ чизаман, чунки ўқувчи диққатини айнаи шу образ ҳолатига олиб киришим керак. Ботирлигига ургу беришим шарт. Кишнаётган от — хавфдан огоҳлик рамзи.

— Республика рассомлик коллежида ўқиганман, — дей-

ди Мафтуна Мирзараҳмонова. — Ҳозир Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида таҳсил оляпман. Фестиваль шахсан мен учун чинакам тажриба мактаби, маҳорат дарси бўлди. Чунки бозорлардан ўрганган назарий билимларни бу ерда амалий жараёнга кўпроқ татбиқ этиш имкони, завқини сездик, ўзаро фикр алмашиш, дўстона мулоқот муҳити яралди. Олдин яратган асарларимнинг камқўстларини тўлдирish ҳақида янги гоғлар туғилди.

Фестиваль доирасида ўтказилаётган "Энг яхши ўқув мурасасаси", "Энг яхши мурабий", "Энг яхши тасвирий санъат асари", "Энг яхши амалий санъат асари", "Энг яхши кўрғазма", "Энг яхши маҳорат дарси" танловлари ўғил-қизларда ўзига ишонч уйғотмоқда.

Умуман, мазкур фестивал юртимиз манзараларини акс эттириш орқали ёшлар қалбида энг эзгу гоғларни синдириш, Ватанга муҳаббат, яратилаётган шароит ва имкониятларга муносиблик, тинч ва осейишта кунларимизга шукроналик туйғуларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ақмал ЖУМАМУРОДОВ,
"Ma'rifat" муҳбири

В.ГРАНКИН олган
суратлар.



Ma'rifat

ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва о'рта maxsus
та'лим вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Бoш муҳаррир Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Indeks: 149, 150. G-415. Tiraji 52143.

Hajmi 4 bosma taqoq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotiбиyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416



4 772030 641004

"Ma'rifat"dan
materiallarni ko'chirib
boshish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqrib
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonada manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

O'za yakuni — 02.30 Topshirildi — 03.45

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:

Malohat TOSHOVA, Faxriiddin RAHIMOV.

Navbatchi muharrir:

Oybuvi OCHILOVA.

Navbatchi:

Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

1 2 4 5 6